Тошкент Оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

№ 8 (8.898) * 1997 йил 20 январь, душанба * Сотувда эркин нархда

СЛОВАКИЯДАГИ УЧРАШУВЛАР

БРАТИСЛАВА, 17 январь (ЎзА махсус мухбири Муҳаммад ШАРИФ хабар қилади). Президентимизнинг Словакияга расмий ташрифи , илк куни мамлакатларимиз ўртасидаги манфаатли ҳамкорликни янада равнақ топтириш учун ҳуқуқий асос солинган кун сифатида тарихда қолади. Чунки кеча Президентлар — Ислом Каримов ва Михал Ковач бўлиб ўтган музокаралар ниҳоясида Ўзбекистон билан Словакия ўртасида ўзаро муносабатлар ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Шунингдек, икки давлат раҳбарларининг учрашуви чоғида Словакия Президенти Михал Ковач Президент Ислом Каримовнинг Марказий Осиё хавфсизлигини таъминлаш, жумладан, Тожикистондаги можарони тинч йўл билан ҳал этиш, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш борасидаги ташаббусларини юқори баҳолаши ҳамда қўллаб-қувватлашини алоҳида таъкидлади.

Бугун эрталаб Президент Ислом Каримов Братиславадаги «Славин» ёдгорлик мажмуини зиёрат этди. Бу ерга Иккинчи жаҳон урушида Словакияни фашистлардан озод қилиш учун бўлган жангларда қурбон бўлган аскарлар, шу жумладан, ҳамюртларимиз ҳоки ҳам қўйилган. Юртбошимиз бу ерда барпо этилган ёдгорлик пойига гулчамбар қўйди.

Мамлакатимиз раҳбари Словакия ҳукумат уйида Бош вазир Владимир Мечьяр билан суҳбатлашди. Ушбу сатрлар узатилаётган дақиқаларда икки мамлакат ҳукумат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди. Музокаралар якунида Ўзбекистон билан Словакия ўртасида транспорт ва ҳаво йўллари алоқаси, сайёҳлик каби соҳаларда ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро ҳужжатлар имзоланиши кутилаётир.

Бугун мамлакатимиз раҳбарининг Президент Михал Ковач билан мулоқоти ҳам кутилмоқда.

Сўнгра Ўзбекистон раҳбарини расмий кузатиш маросими бўлиб ўтади.

Братиславадаги «Форум» меҳмонхонасида эса Президент Ислом Каримов словак ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашади. Бугун Ўзбекистон Президентининг Словакияга расмий ташрифи ниҳоясига етади.

* * *

Шу куни кечқурун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкентга қайтиб келди.

Бозор иқтисодиёти шароитида шаҳримиздаги кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари ҳиссадорлик жамиятига айланиб, бир неча турдаги янги-янги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйишмоқда. «Қизил тонг» ҳиссадорлик жамиятини барчамиз асосан аёллар ва эркаклар учун пальтолар тикиб чиқаради деб ўйлаймиз. Аммо кейинги вақтда бу ерда эркаклар костюмлари ва аёлларнинг турли моделдаги кийимларини тикиб чиқарилиши йўлга қўйилган. Жамоанинг илғор ишчиси Онажон Қурбонова худди ана шундай эркаклар устки кийимларини тикиш цехида ишлайди.

СУРАТДА: Онажон Қурбонова.

Рустам Шарипов олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонига кўра давлат аҳамиятига эга бўлган бир қанча муҳим иншоотларни қуриш ва таъмирлашдаги улкан хизматлари, шунингдек ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун республикадаги бир қанча корхоналар ва қурилиш ташкилотларининг алоҳида намуна кўрсатган бир гуруҳ ишчи ва хизматчилари Ватанимизнинг юксак мукофотига сазовор бўлдилар. Мукофотланганлар орасида «Тошмармар» ҳиссадорлик жамиятининг 3-участкаси бошлиғи Муҳиддин Асатхўжаев ҳам бор.

Нишондорларимиз

САМАРАЛИ УМР

— Муҳиддин Соатхўжаевич, Сизни юксак мукофот — «Шуҳрат» медали билан тақдирланганингиз билан қутлаймиз.

— Раҳмат, бу мукофот биргина менга эмас, балки корхонамиз жамоасининг ҳалол меҳнатига берилган баҳодир.

— Албатта, хар бир инсон ҳаётининг бундай қувончли дамларида бир сония бўлса-да, ўзига хос ширин ички ҳиссиётлар қуршовида қолади...

— Шубҳасиз. Менда ҳам шундай бўлди. 10 январь куни тушдан кейин бошқарувимиз раиси Шокир ака Орифжонов мени ҳузурига чақириб қолди. Нима гап экан деб олдиларига кирсам, у киши хурсанд бўлиб ўринларидан туриб мени қучоқлай кетдилар. Кейин менга юқоридаги хушхабарни айтдилар. Бир зумда бутун ўтмишим кўз ўнгимда жонланди-қолди. Ота-онам, ёшлигим, Абу Райҳон Беруний номли Тошкент политехника институтининг кимё-технология факультетида ўтган талабалик йилларим, корхонага ишга келган биринчи куним, ҳамкасбларим ва ниҳоят оилам яшин тезлигида хаёлимдан бирма-бир ўтди. Ота-онам менга ҳамиша: «Ҳалол меҳнат қилган одам албатта камол топади», деб уқтиришар эди. Бу сўзнинг нақадар ҳақлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Корхонадаги 22 йиллик умрим бесамар ўтмаганига қувондим. Демак мен ўзимни бахтли инсон ҳисоблашга ҳақли эканман.

— 22 йил айтишгагина осон. Лекин қайноқ меҳнат билан ўтган бу даврда озмунча паст-баландликларга дуч келмаган бўлсангиз керак.

— Кўп жойларга ишга таклиф этишди. Бормадим. Чунки ёшлигимданоқ кексаларнинг «Дарахт бир жойда кўкаради», деган ҳикматига амал қилишга одатланганман. Қийинчиликларга чидадим. Улар ўткинчилигига ишондим. Қатор поғоналарни босиб ўтдим. Участка бошлиғи даражасигача кўтарилдим. Ҳозир корхонадаги учта йирик цехдан бирини бошқараман. Мен ишлаётган истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш цехи мармар кошинлари, гранит ишлаб чиқариш цехларидан қолишмайди. Жамоамиз буюртмалар бўйича гранит пиллапоялар, мармардан ясалган турли ҳажмдаги фавворалар, ҳар хил гулдонлар, паст-баланд пиллапоялар учун тутқичлар тайёрлаб беришга ихтисослашган. Шунингдек деворларга зеб беришда ишлатиладиган мармар увоқлари ҳам бизда тайёрланади.

— Бутун фаолиятингиз шу корхона билан боғлиқ бўлган «Тошмармар»нинг бугунги куни ҳақида ҳам икки оғиз сўзлашсак.

— Жуда тўғри. Ахир «Бир кун туз ичган жойингга қирқ кун салом қил» деган гап бежиз айтилмаганку. Қолаверса, мен бир кун эмас, балки бутун умримни шу корхонага бағишлаганман.

Бугун жамоамизда 180 киши фаолият кўрсатмоқда. Асосий вазифамиз шаҳримизда қуриладиган ва қурилаётган ноёб ёки йирик обида ва мажмуаларни буюртма асосида етарли мармар билан таъминлашдан иборат. Масалан бу ҳақда гап борганда Темурийлар тарихи давлат музейи, «Чорсу» спорт мажмуаси, Мустақиллигимизнинг беш йиллиги муносабати билан қурилган ва қайта таъмирланган Самарқанд, Шаҳрисабз тарихий ёдгорликларини кўз олдимизга келтириш кифоя. Шу ўринда бизни етарли маҳсулот билан таъминлаётган Самарқанд ва Навоий вилоятларининг шу соҳа ишчи ва хизматчиларига ҳам ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. Улар томонидан юборилган харсангтошлар корхонамиздаги қудратли машиналар ёрдамида тарошланиб, сайқалланиб, мармар ҳолида келтирилади. Жамиятимиз ойига 5—6 минг квадрат метр мармар кошинларни тайёрлаб чиқаради. Шу ҳисобда йиллик маҳсулотимизни ўзингиз чамалаб олаверинг. Бизда ишлаб чиқариш илғорлари кўплаб топилади. Абдурауф Сулаймонов, Асқар Мингбоев, Асия Грязновалар билан бир сафда ишлаётганимдан фахрланаман.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

Шаҳар юмушлари

ОБОДОНЛАШТИРИШ ҲАР КУНИ КЕРАК

Бугунги кунда шаҳримизнинг қайси бурчагига борманг, ободонлаштириш ишлари билан шуғулланаётган шаҳар «санитар»ларига дуч келасиз. Янги йил қувончлари, шодликлари ҳали ўлкамизни тарк этмасданоқ, ҳали арча байрамлари якун топмасданоқ Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси тизимидаги ташкилотлар ишга шўнғишди.

— Ҳозирда кўча ва хиёбонларга арча ва арчасимон дарахтлар экишни бошлаб юборганмиз, — дейди бош бошқарманинг кўкаламзорлаштириш бўлими бошлиғи Лазокат Исломова. — Бундан ташқари Шароф Рашидов хиёбони ва шоҳкўчасида, Бобур кўчасида, Аэропорт атрофларида ободонлаштириш ишлари қизғин тусга кирган.

Тошкент шаҳар сув хўжалиги бошқармаси каналларни, ариқ ва анҳорларни тозалашга киришган. Айниқса, бу борада бошқарманинг 3-, 4-, 5-бўлинмалари фидойилик кўрсатишмоқда. Ўтган йилнинг ноябрь ойида сув беркитилган бўлса, жорий йилнинг 15 апрелига қадар каналлар баҳор учун тайёр бўлиб туриши керак. Жами 126,2 километр узунликда бўлган каналлар тозаланиши керак. Шу кунгача 6 километрдан ошиқ иш бажарилган.

— Шаҳардаги ишларимиз режа асосида бажарилади, — дейди Лазокат Исломова. — Бунинг учун шароитларимиз, маблағларимиз етарли. Кўпроқ аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб боришимиз керак. Қиш-қировли кунларда ташвишларимиз кўпаяди. Йил бошида буталаш ишларини ҳам муваффақиятли олиб борган эдик. Ҳозирда ана шу шох-шаббаларни маҳаллаларда яшовчи аҳолига маҳалла оқсоқоллари сўровларига кўра тарқатаяпмиз. Қиш ғамини ёзда е, деганларидек, бу ўтин, шох-шаббалар Наврўз айёмида сумалаклар тайёрлашга, тўй-гаштакларга яраб қолса ажаб эмас.

Ҳа, бу йил Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси янги — иш йилини яхши бошлашганлари маълум. Шундай бўлса-да, бу йил янги режалардан ташқари қўшимча мажбуриятлар ҳам олишган. Чунки шаҳар ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳар куни керак.

Зоир ТУРСУНОВ.

Излаган имкон топади

АКЦИЯЛИ КИНОТЕАТРЛАР

Тошкент шаҳар кино-видео акционерлик бирлашмаси ўз фаолиятини бошлаганига ҳали кўп вақт бўлмади. Шунга қарамай маданият масканларимизнинг аҳволини яхшилаш борасида талайгина ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда.

Чунончи 18 қишки, 14 ёзги кинотеатрларни акционерлик жамиятларига айлантириш учун Тошкент шаҳар давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасига топширилди. Бугунги кунгача акционерлик жамияти ҳуқуқини берувчи 12 қишки ва 8 та ёзги кинотеатрларга ордерлар олинди. Буни ҳозирги вазият талаб этмоқда. Марказ томонидан тадбиркорликни қўллаш бўйича бизнес-режа ишлаб чиқилган. Бундан буён шаҳардаги ҳар бир кинотеатр ўз бизнес-режасига эга бўлади. Унга биноан ҳар бир кинотеатр ўз акциясини чиқаради ва депозитарий орқали биржа савдосида сотилади. Масалан, ҳозирнинг ўзида «Дўстлик» ва «Ғунча» кинотеатрлари ўз акцияларини чиқаришга муваффақ бўлдилар. Улар биржада сотувга қўйила бошланди. Ҳар бир акциянинг нархи минг сўмни ташкил этади. Акцияни сотиб олишга сарфланган минг сўм дивиденд тўланишида тўрт-беш минг қилиб қайтариш режалаштирилмоқда.

Кинофильмларни намойиш этиш ҳам ягона тартибга солинмоқда. Янги киноасарлар ва видеокассеталар комиссия кўриги хулосаси ва рухсати билан намойиш қилинади ва савдога қўйилади. Хуллас ҳамшаҳарларимиз ва шаҳримиз меҳмонларини кинотеатрларга жалб этиш йўллари изланмоқда.

Баҳром МУРОДОВ.

АНИҚ ЙЎНАЛИШЛАР

Республика Фанлар академияси кимё технологияси фанлари бўлимининг вазирлик ҳамда идораларнинг вакиллари, кимё институтларининг олимлари, йирик кимёгар мутахассислар иштирокида йиллик ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур институт олимлари ўз илмий изланишлари билан кимё соҳасини ривожлантиришда муносиб ҳиссаларини қўшиб келишмоқда.

Йиғилишда ўтган йилги иш якунларига ҳисоб берилиб, бу йилги вазифалар белгилаб олинди. Шунингдек, мамлакатимизнинг саноат, қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги муаммоларни ҳал этиш борасида ҳам аниқ йўналишлар белгилаб олинди.

Саида ЙЎЛДОШБЕКОВА.

«Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси тармоқларида ўтган йил иш қўлами ортгани ҳаммага маълум.

ИШ ҚЎЛАМИ ОШМОҚДА

Айниқса, Темурийлар тарихи давлат музейи, «Миробод», «Бектемир», «Паркент» деҳқон бозорлари, Марказий Банк, «Асакабанк», «Олимпия шон-шуҳрати» музейи каби иншоотлар қурувчилар меҳнатининг яққол намунаси бўлди.

Табиийки, ўтган йил қурувчилар учун осон кечмади. Узлуксиз ишлашлар, тинимсиз изланишлар, қурилиш ашёлари таъминоти... булар барчаси ортда қолди. Кўзланган марраларга эришилди.

Ҳозирда «Тошкентуйжойинвестқурилиш» тизимида 25 мингдан ортиқ қурувчи меҳнат қилади. 1996 йил якуни улар учун унутилмас бўлиб қолади. Бу йил улар янги 1997 йил — Инсон манфаатлари йилига ёруғ юз билан чиқишди.

Ҳозирги кунларда қурувчилар янги куч-ғайрат билан шаҳримизда режа асосида қурилиш ишларини бажаришяпти. Яна бир янгилик. Тошкент шаҳрига — республика пойтахтининг қурилиш ишларига ўз ҳисса, улушларини қўшиш мақсадида вилоятлардан моҳир қурувчилар ҳам ташриф буюришмоқда.

Яқинда Хоразм вилоятидан 100 нафар қурувчи «Тошкентуйжойинвестқурилиш» тизимида ишлаш ниятида Тошкентга ташриф буюришди.

Бундан ташқари шаҳардаги вақтинча буюртма ишлари билан банд бўлган айрим собиқ қурувчилар ҳам тизимга қайтиб келишмоқда. Улар орасида қурувчилик касби бўйича малака ошириш, қолаверса, шу тизимда доимий ишлаш ниятида бўлган ёшлар ҳам бор.

Зокир ТУРҒУНОВ.

СИФАТГА ЭЪТИБОР

Тошкент бадиий буюмлар ҳиссадорлик жамиятида ўтган йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш режаси 104 фоизга бажарилиб, 22 миллион сўм миқдорида соф фойда олинган эди. Корхона учун энг муҳим кўрсаткич эса мавжуд иш ўринлари тўлиқ сақланиб, етарлича буюртмалар қабул қилинганлиги бўлди.

— Бозор иқтисодиёти шароитида фаолият юритишнинг энг муҳим шартларидан бири — бу ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг юксак сифатли бўлишига эришишдир, — дейди ҳиссадорлик жамиятининг бош муҳандиси Абдурашид Алимбоев. — Сифатли маҳсулот, ҳаттоки қиммат нархда бўлса-да, буюртмачилар эътиборини қозонади. Биз асосан ўзбек миллий попоп ва каштачилигининг намуналари ҳисобланган турли чойшаб, кийим-кечак, совға ва ёдгорлик буюмларини чиқарамиз. Маҳсулотларимиз пойтахтимизга келувчи хорижий сайёҳлар ва меҳмонлар учун энг унутилмас эсдалик бўлиши шубҳасиздир. Хорижий ҳамкорлар билан бирга янги маҳсулотлар чиқаришга киришилмоқда. Масалан, Жанубий Кореянинг «Пан Азия» фирмаси ўз хом ашёси асосида келинлар либосини тайёрлашга буюртма беряпти.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.

БУГУНГИ КУН НАФАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

● 17 январь куни Вазирлар Маҳкамасида 2000 йилгача бўлган даврда қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш дастурини амалга ошириш бўйича республика комиссиясининг мажлиси бўлди.

● Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон қўшиқ байрамини ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитасининг бўлиб ўтган мажлисида сўзга чиққанлар қўшиқ байрамини юксак савия, кўтаринки руҳда ўтказиш учун барча имкониятлардан самарали фойдаланиш зарурлигини алоҳида таъкидладилар.

● Пойтахтдаги «Туркистон» саройида Ўзбекистон геология хизматининг 70 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди.

● «Тошқишлоқмаш» ҳиссадорлик жамияти ҳиссадорларининг таъсис мажлиси бўлиб ўтди.

● «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси бошқарувининг 18 январдаги йиғилишида ўтган йилги иш якунлари ва жорий йилда аҳолига жамоат транспорти хизмати кўрсатишни янада яхшилаш вазифалари муҳокама этилди.

● Очиқ усулдаги «Семурғ» ҳиссадорлик жамиятида Ҳўжа Насриддин тасвиридаги янги рангли ўйинчоқ тайёрлаш йўлга қўйилди.

● Жиззах шаҳрида ишга туширилган «Заргарлик» нон ишлаб чиқариш кичик корхонасига Германиянинг «Винклер» фирмасининг дастгоҳ ва ускуналари ўрнатилди.

● Янги футбол мавсуми арафасида олий лига жамоаларининг номларини давлат тилига мослаштириш борасида ташкилий ишлар амалга оширилмоқда. Хоразм вилояти футбол федерациясининг бу борадаги ташаббуси ибратлидир. Федерациянинг навбатдаги йиғилишида Урганчнинг «Динамо» жамоаси «Хоразм» деб, Хиванинг «Гиламчи» жамоаси «Хива» деб юритиладиган бўлди.

ҲАМДЎСТЛИКДА

● Белоруссия ва Украина Президентларининг навбатдаги учрашуви афтидан апрель ойида Қримда ўтказиладиган кўринади. Белоруссия Президенти Александр Лукашенко ана шу ҳақда фикр билдирди. У ўтган жума куни Гомель шаҳрида Украина Президенти Леонид Кучма билан музокараларда эришилган келишувларга юксак баҳо берди.

● Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов ўз вакилларига Турсунзода шаҳрини ташлаб чиқиб кетиш тўғрисида фармойиш берди. Маълумки, 15 январда унинг буйруғи билан тожик алюмин заводини муҳофаза қилиш учун вакиллар юборилган эди. Бироқ улар маҳаллий аҳоли ва дала командирларининг кучли қаршилигига дуч келдилар.

● НАТО Бош котиби Хавьер Салана кеча Москвага расмий ташриф билан келди. Унинг бу ерда олиб борадиган мулоқотларининг бош мавзуси Россия билан НАТО ўртасидаги ўзаро муносабатлар масаласидир.

● Россиянинг 13 та шаҳрида грипп эпидемияси тарқалди. Кейинги беш кун мобайнида «А» вирусли гриппдан хасталанган олти киши вафот этди.

● Қозоғистоннинг шимолидаги Кўкчетов шаҳрига иссиқ сувни бериш йўлга қўйилди. Маълумки, бундан уч ҳафта муқаддам 30 даражали совуқда марказий иситиш тизими ишдан чиққан эди. 20 январдан бошлаб шаҳар ва вилоятдаги барча мактаблар бир ҳафта муддатга ёпилади.

● Чеченистоннинг Янги Атаги қишлоғида ўлдирилган Халқаро Қизил Хоч қўмитасининг олти нафар хорижий хизматчисини қидиришга Интерпол ҳам қўшилиши мумкин.

ХОРИЖДА

● Кеча Теҳронда тожикларо музокаралар қўшма баёнотни имзолаш билан якунланди. Музокаралар чоғида тўртта муҳим масаладан учтаси бўйича келишиб олинди.

● Парижда, конгресслар саройида «Ислом, Франция ва Европа: келажагимизни қандай қуриш мумкин?» мавзуида халқаро анжуман ўтказилди. Унинг ишида Ўзбекистон вакиллари ҳам қатнашдилар.

● Австриянинг федерал канцлери Франц Враницки истеъфога чиқадиган бўлди. Бу ҳақда ўзи раиси бўлган социал демократик партия раҳбариятининг мажлисида баёнот берди.

● Ироқнинг вице-президенти Тариқ Азиз Вашингтон ва Лондонни Ироққа нисбатан қўлланилаётган иқтисодий қамални яна давом эттиришга ҳаракат қилаётганликда айблади.

● Покистон ташқи ишлар вазири Соҳибзода Ёқубхон Эронга ташриф буюрди. Айни пайтда у Теҳронда Эрон ташқи ишлар вазири Али Акбар Вилоятий билан музокаралар олиб бормоқда. Афғонистонда барқарор тинчлик ва осойишталик ўрнатиш ушбу музокараларнинг бош мавзусидир.

● Малайзия фан, технология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазири Ло Хьенг Динг журналистларга хабар қилишича, мамлакат ҳукумати ядро чиқитлари ортган Англия кемасини ўзининг сувли ҳудудидан ўтказишни тақиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

● Ҳиндистонда анъанавий кино байрами бошланди. Унда жаҳоннинг ўнлаб мамлакатлари иштирок этмоқда.

● Сурия пойтахти Дамашқда 31 декабрь куни автобус портлаши натижасида 11 киши ҳалок бўлиб, 42 киши жароҳат олган эди. Куни кеча «Ўзгариш учун ислом ҳаракати» деб аталган мутаассиб ташкилот «бу ишни» амалга оширганлигини тан олди.

БУГУНГИ КУНДАГИ ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ / ИСЛОМ НЕГИЗИДА ЯШАЙЛИК / ИСЛОМ ДУНЁСИ

«ОҚШОМ»НИНГ ҮШБУ СОНИДА:

Шу йилдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида болаларга янги тизимга кўра нафақалар тўланади. Шу муносабат билан нафақага муҳтож оилаларни аниқлаш, уларни рўйхатга олиш, нафақа тайинлаш мезонлари, оила даромадини текшириш билан боғлиқ мутахассислардан келган кўпдан-кўп саволларга атрофлича жавобларни «Ижтимоий ҳимоя эгасини топмоғи лозим» сарлавҳаси остидаги долзарб мавзудаги суҳбатдан топасиз. **2-БЕТ**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қарашли Ҳамид Сулаймонов номли Қўлёзмалар институтининг тошбосма китоблар хазинасида сақланаётган «Солиҳ кишилар одоби» рисоласи халқимиз маънавий хазинасини безаб турган асарлардан саналади. Ана шу асардан босилаётган парча оқшомхонларга манзур бўлади деган умиддамиз. **3-БЕТ**

«Араб тангоси» Ботир Зокиров ижро этган машҳур қўшиқларидан бири. Айнан мана шу қўшиқ уни бутун дунёга танитди. Унга оламшумул шуҳрат келтирди. Унинг биргина бу қўшиғи эмас, балки бисотидаги ҳамма қўшиқлари ўзига хос мафтункорлиги ҳамда бетакрорлиги билан мухлислар қалбидан жой олди».

«Жаҳонни забт этган қўшиқ» сарлавҳали мақола беқиёс, фусункор овоз соҳиби Ботир Зокиров хотирасига бағишланган. «Егинин ош деманг ёлғиз аёлнинг» мақоласи, турфа олам янгиликлари ҳам муштарийларда қизиқиш уйғотиши турган гап. **4-БЕТ**

Долзарб мавзуда

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЭГАСИНИ ТОПМОҒИ КЕРАК

Маълумки, 1997 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида болаларга янги тизимга кўра нафақалар тўланади. Шу муносабат билан муштарийларимиздан таҳририятга кўплаб хатлар келмоқда. Шу боисдан бу борадаги тартиб-қоидалардан газетхонларимизни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олиш мақсадида Тошкент шаҳар Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Абдулла Абдуҳакимович МЎМИНОВга мурожаат этдик.

— Суҳбатимизни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги 1996 йил 10 декабрдаги Фармонининг бажарилишидан бошласак.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармонини ўз вақтида бажариш учун Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиқиб, унда қилинадиган ишлар ва уларнинг бажарилишини ташкил этиш йўллари кўрсатилди.

Шу қарорни бажариш учун Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ва Молия вазирликлари биргаликда услубий йўриқномалар ишлаб чиқишди.

Тошкент шаҳри бўйича пойтахт ҳокимининг қарори қабул қилинди ва бу қарорда туман ҳокимликлари, уларнинг бошқармалари ҳамда ўзини-ўзи бошқариш органларининг оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни оғишмай бажаришни таъминлашларида, ижтимоий кўмакка муҳтож оилаларни аниқлашда, уларга нафақа тайинлаш ва тўлашда амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш учун аниқ вазифалари белгиланди.

1996 йил 31 декабрда тасдиқланган услубий қўлланма юқорида қайд этилган қарор билан тасдиқланган «16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тўғрисида»ги Низомнинг баъзи бандларини амалга ошириш механизмини кўрсатиб беради. Зеро, 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш ишларини ташкил этишда Низом ва Қўлланмага қатъий амал қилиниши керак.

— Нафақага муҳтож оилаларни аниқлаш ва уларни рўйхатга олиш қандай тартибда амалга оширилади?

— Авваламбор 16 ёшгача болалари бўлган оилалар нафақа олиш учун ўзини-ўзи бошқариш органига нафақа тайинланиши ҳақида ёзма равишда ариза билан мурожаат қиладилар. Аризада нафақа сўраб мурожаат қилишга ундовчи сабаблар ва оила аъзоларининг даромадлари кўрсатилади.

Аризалар махсус рўйхатга олиш дафтарида қайд қилинади. Аризаларни рўйхатга олиш рўйхат дафтарида жуда аниқлик билан аризаларнинг тушиш тартибида, уларнинг тартиб рақами ва қабул қилинган санаси кўрсатилган ҳолда, оилага нафақа тайинланган ёки тайинланмаганлигидан қатъи назар киритилади. Рўйхатга олиш дафтарига ўзгартиришлар фақат фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органи раисининг имзоси қўйилган «Ўзгартирилганига ишонилсин» белгиси билан киритилиши мумкин.

Ҳужжатларнинг фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органида сақланиш муддати икки йил, бу давр ўтганидан сўнг, улар белгиланган тартибда идора архивига топширилади.

Истисно тариқасида фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органининг раиси алоҳида оилани нафақага талабгор оилалар сифатида рўйхат дафтарига ота-онанинг аризасисиз киритиши мумкин. Бунда рўйхат дафтарида «Илтимоснинг мазмуни» устунига бу ёзув фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органи раисининг тақдимномасига биноан киритилганлиги кўрсатилиб ўтилади.

Оилаларнинг рўйхатга раиснинг тақдимномасига биноан киритилганлиги уларга нафақа фақатгина оиланинг моддий ва мулкий аҳволи текширилганидан сўнг, белгиланган тартибда фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органи йиғининг қарори асосида тайинланиши мумкин.

— Юқорида қарорнинг ижросида Меҳнат вазирлиги ҳам иштирок этишини таъкидлаб ўтгандингиз. Туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлимлари ходимлари олдида турган вазифалар хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш ташкилотлари ходимлари (инспекторлари) фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органига бириктирилади.

Инспекторга истиқомат қилувчи аҳолининг сони ва уларнинг жойлашувига қараб, хизмат кўрсатиш бўйича ўз ичига икки ёки ундан кўпроқ ўзўзини идора қилиш органини олган ҳудуд бириктирилиши мумкин. Инспекторнинг доимий иш ўрни — ўзи хизмат кўрсатадиган ҳудудда, фуқароларнинг ўз-ўзини идора қилиш органи биносида ташкил қилинади. Инспекторнинг иш ўрни унга юклатилган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун зарурий жиҳоз ва ашёлар билан таъминланади.

Инспекторнинг асосий вазифалари эса қуйидагилардан иборат:

— ишсиз аҳолини тезкорлик билан ишга жойлаштиришга кўмаклашиш мақсадида иш билан таъминланмаган аҳоли ва иш берувчилар билан ўзаро ҳамкорликни, бўш иш ўринларини аниқлаш, фуқароларнинг, шу жумладан илк бор иш қидираётган ва ишдан бўшатилаётган ходимларни касбга ўқитиш ва қайта ўқитишни ташкил қилиш;

— ўзи хизмат кўрсатаётган ҳудудда ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган фуқаро ва оилаларни аниқлаш ва улар учун амалдаги қонунчиликда белгиланган кафолатларни таъминлаш бўйича ишларни ташкил қилиш;

— оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни ташкил этиш масалалари ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам белгилаш ва тўлаш тартибини сўзсиз бажаришни таъминлаш ва фарзандлари бўлган оилаларга нафақа тўлаш юзасидан фуқароларнинг ўз-ўзини идора қилиш органларига кўмаклашиш;

— кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва фарзандлари бўлган оилаларга нафақалар тўлаш жорий тартибига амал қилиш масалалари юзасидан ўз-ўзини идора қилиш органларининг раҳбарларига маслаҳатлар бериш;

— кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш бўйича махсус комиссияларнинг ишида қатнашиш;

— ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган оилаларнинг ҳисобини олиб бориш;

— молиявий ва ҳисобот ҳужжатларини тўғри юритиш, оилаларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлашни тўғри ташкил қилиш бўйича фуқароларнинг ўзўзини идора қилиш органлари раҳбарларига амалий ёрдам кўрсатиш;

— кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлашнинг тўғрилиги ва асосланганлигини оралатиб танлаб текширишни амалга ошириш;

— кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган маблағлардан мақсадли фойдаланиш юзасидан назоратни амалга ошириш.

— Нафақаларни дастлабки тайинлаш мезонлари нималардан иборат бўлади?

— Нафақаларни дастлабки тайинлаш ва тўлашни амалга оширишда, оилаларни нафақага муҳтож деб тан олиш мезони сифатида оила аъзоларининг жон бошига тўғри келадиган жами даромад миқдорини, даромадлар ҳисоб-китобини амалга ошириш учун қабул қилинган даврдаги энг кам ойлик иш ҳақи миқдорини олиш тавсия этилади.

— Оиланинг даромадлари ва мулкий аҳволини текширишни ўтказиш қай йўсинда амалга оширилади?

— Бунда дастлаб рўйхатга олиш дафтаридаги навбат тартиби билан тушган аризаларни кўриб чиқиш ва оиланинг моддий ҳамда мулкий аҳволини текширувдан ўтказиш навбати аниқланади, текшириш санаси ва вақти оилага олдиндан хабар қилинади. Текширув ўтказиш муддати аризанинг рўйхатга олиш кунидан бошлаб ҳисобланганда икки ҳафтадан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Оиланинг нафақа олишга ҳақиқий муҳтожлиги даражасини аниқлаш ҳамда унинг моддий ва мулкий аҳволини текшириш учун фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органининг раиси томонидан, таркибига мажбурий равишда раиснинг ўзи ва меҳнат биржаси ходими кирган махсус комиссия тузилади ва тасдиқланади, унинг иш вақти белгиланади. Юқорида кўрсатиб ўтилган мансабдор шахслардан ташқари бу комиссия таркибига раис маслаҳатчилари, жамоатчилик вакиллари, маҳаллий солиқ ва молия органлари вакиллари ҳам кириши мумкин. Комиссия таркибига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги қарори билан тасдиқланган «Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ кам таъминланган оилаларга тўланадиган моддий ёрдамга талабгор оилаларнинг моддий ва мулкий аҳволини текшириш комиссияси таркибида иштирок этувчи шахслар кириши мумкин. Оиланинг даромадлари ва мулкий аҳволини текширишда ҳар бир ҳолда комиссиянинг камида 3 аъзоси қатнашиши шарт.

Комиссия оиланинг даромади ва мулкий аҳволини турар жойида текшириш асосида текширув натижалари ҳақида далолатнома тузади. Оиланинг даромадлари ва мулкий аҳволини ўрганиш вақтида қуйидаги масалаларга аниқлик киритилади: оила аъзоларининг олаётган даромадлари (иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар ва бошқа турдаги тўловлар, шу жумладан шахсий томорқа хўжалигидан олинаётган даромадлар миқдори ва колхозчиларнинг натура шаклида олаётган даромадлари), оила аъзоларининг сони, шу жумладан ёши 16 гача бўлган болалар сони, меҳнатга лаёқатли оила аъзоларининг бандлиги ҳақида маълумотлар аниқланади.

Комиссия оиланинг даромадлари ҳақидаги тақдим этилган маълумотлар, моддий ва мулкий аҳволини текшириш натижалари асосида нафақа тайинланиши ёки тайинланмаслиги тўғрисида таклиф киритади (хулоса чиқаради). Комиссиянинг хулосаси тавсия характерига эга бўлиб, белгиланган тартибда фуқаролар йиғини томонидан тасдиқланиши лозим.

Оила аъзоларининг жон бошига тўғри келадиган ўртача ойлиги, жами даромадни ҳисоблаш меҳнат биржаси ходими иштирокида, аризачи тақдим қилган оила аъзолари даромадлари тўғрисидаги маълумотлар ва бошқа ҳужжатларга кўра ҳамда даромадлар ва мулкий аҳволни текшириш тўғрисидаги маълумотлар асосида бажарилади.

— Нафақага муҳтож оилаларни аниқлашда асосан нималарга эътибор қаратилади?

— Низомнинг 19-бандига мувофиқ фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органи оилаларни нафақа олишга муҳтож деб тан олиш мезонини мустақил равишда қуйидагилардан келиб чиққан ҳолда белгилайди:

а) фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органи махсус ҳисоб рақамида мавжуд барча маблағлардан ва тўлашга мўлжалланган ойлик миқдоридан;

б) тушган аризалар, яъни нафақа олишга талабгор оилалар сонидан;

в) тушган аризалар сонига мувофиқ тўланадиган нафақалар миқдоридан.

Нафақаларни дастлабки тайинлаш ва тўлашни амалга оширишда оилаларни нафақага муҳтож деб тан олиш мезони сифатида оила аъзоларининг жон бошига тўғри келадиган жами даромад миқдорини даромадлар ҳисоб-китобини амалга ошириш учун қабул қилинган даврдаги энг кам ойлик иш ҳақи миқдорини олиш тавсия этилади.

Оила аъзоларининг жон бошига тўғри келадиган жами даромадини аниқлаш учун барча даромадларни оила аъзолари сифатида қабул қилинган шахслар сонига бўлиш керак. Оила аъзолари сифатида одатда, аризада кўрсатилган манзилгоҳда яшаб турувчи барча оила аъзолари, шу жумладан ота, она ва уларнинг фарзандлари, ота-онанинг ота-онаси, уларнинг ака-укалари, хола ва амакилари ҳисобга олинади. Агарда аризада кўрсатилган манзилда фарзандлари 16 ёшгача бўлган 2 ёки ундан кўп оила яшаётган бўлсаю бу оилаларнинг барчаси ҳам нафақага талабгор бўлмагани ҳолда, оила аъзоларининг сонини аниқлашда фақатгина нафақа сўраб мурожаат қилган оила аъзолари сони ҳисобга олинади.

Агарда оилада меҳнат биржасида рўйхатда турган шахслардан бошқа банд бўлмай, мустақил даромадга эга бўлмаган оила аъзолари, бола 2 ёшга етгунига қадар ёш болани парвариш қилаётган оналар ҳамда шахсий томорқа хўжалигида банд бўлганлар мавжуд бўлса, у ҳолда оиланинг жон бошига тўғри келадиган жами даромадини ҳисоблашда оила аъзолари сонидан банд бўлмаганлар чиқариб ташланади.

Жами даромадлар таркибида оила аъзолари сонига киритилган барча шахсларнинг сарҳисоб даромадларининг барча турлари (сарҳисоб иш ҳақи, тадбиркорлик фаолиятидан келган даромад, ижарага берилган уй-жой ва автотранспортдан тушган даромад ва ҳоказолар) қайси турга мансуб бўлишидан қатъи назар пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий характерга эга бўлган бошқа тўловлар (шу жумладан бола 2 ёшга етгунига қадар ёш болага қараганлиги учун онага тўланадиган ойлик нафақа, ишсизлик нафақаси, кам таъминланган оилаларга фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органи томонидан тўланадиган нафақа), шунингдек, шахсий томорқа хўжалигини юритишдан тушган даромадлар ҳисобга олинади. Даромадлар миқдорини ҳисоблашда болалари 16 ёшгача бўлган оилаларга тўланадиган нафақа ҳисобланмайди. Даромадлар миқдори ҳақидаги ахборот аризачи томонидан тақдим этилади ва иш жойи, ижтимоий-таъминот органлари ёки тўловларни амалга ошираётган бошқа органлар томонидан берилган маълумотномалар билан тасдиқланади. Даромадлар миқдорлари ҳақидаги маълумотномалар маълумотни берган корхона ёки ташкилот раҳбари томонидан имзоланган бўлиши керак.

Шахсий томорқа хўжалигидан тушадиган даромадларни ҳисобга олишда асос қилиб фойдаланилаётган ҳар 10 сотих ердан олинаётган ўртача ойлик даромад сифатида шартли даромад миқдоридан фойдаланиш тавсия этилади. Кундаги амалиётдан ва илмий асосланган ҳосилдорлик меъёрларини инобатга олган ҳолда, ҳар бир 10 сотих шахсий томорқа хўжалигидан келадиган, нафақа тайинланадиган оиланинг ўртача ойлик даромади 1997 йилнинг январь, февраль, март ойларида 850 сўмни ташкил қилинишини қабул қилиш тавсия этилади.

Бундан шахсий томорқа хўжалигидан даромадлари мамлакатимиз ҳудудларидан анча кам бўлган Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий ҳудудлари истиснодир, у ерларда бу даромад оиланинг жами даромадлари таркибида инобатга олинмаслиги мумкин.

Агарда шахсий томорқа хўжалиги сифатида 10 сотих ердан кўпроқ ёки озроқ миқдори фойдаланилаётган бўлса, у ҳолда бу ердан келаётган даромад шу миқдорга мутаносиб равишда кўпайтирилади ёки камайтирилади.

— Нафақа тайинлашни рад қилишга нималар асос бўлади?

— Нафақа тайинлаш (рад этиш) тўғрисидаги қарорни қабул қилиш очиқ овоз бериш йўли билан амалга оширилади ва йиғинда қатнашаётганларнинг оддий кўпчилиги мақбул топганда қабул қилинган деб ҳисобланади.

Нафақа тайинлашни рад қилишда комиссия қуйидаги асослардан келиб чиқиши мумкин:

— оилада меҳнатга лаёқатли банд бўлмаган аъзоларнинг мавжудлиги (меҳнат биржасида рўйхатда турганлар ва бола 2 ёшга етгунига қадар ёш болага қараётган оналар бундан мустасно). Рад жавобини оила банд бўлмаган аъзоларини даромад келтирувчи фойдали меҳнатга жалб қилиш орқали ўзининг моддий шароитини яхшилашга объектив имкони мавжудлиги билан асослаш керак;

— оиланинг жон бошига тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромад болали оилаларга нафақа олиш учун ўрнатилган муҳтожлик мезони кўрсаткичидан ортиқлиги;

— нафақа олишга талабгор жорий даромадини кам қилиб кўрсатиб, автомашинага, қимматбаҳо маиший электр асбобларига ва ҳоказоларга эгалиги.

— Молиявий маблағлар билан таъминлаш ва нафақани тўлаш тартиби қандай?

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш» тўғрисидаги Фармонига биноан болали оилаларга бериладиган нафақалар республика бюджет манбалари, маҳаллий бюджетлар маблағлари, бюджетдан ташқари манбалардан ажратилади.

Нафақалар тўлаш учун мўлжалланган маблағлар фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг Халқ банкининг маҳаллий бўлимларидаги «Болалар нафақалари» махсус счётларига ўтказилади. Ушбу счётлардаги пул маблағларидан фақат нафақалар тўлаш мақсадида, ушбу Низомнинг 24-бандида кўрсатилган ҳолларда эса болали оилаларга натура билан ёрдам бериш сифатида фойдаланиш мумкин.

Маблағларни бошқа мақсадларга сарфлашга йўл қўйилмайди.

Олинган нафақалардан солиқ ундирилмайди. Ушбу нафақаларнинг тўланиши оилага бошқа нафақалар тайинлашни, шу жумладан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатишни рад этиш учун асос бўлиб ҳисобланмайди.

Нафақа фуқаролар йиғини қарорининг протоколи асосида тўланади.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органининг котиби ҳар ойнинг биринчи кунига фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи қарорининг протоколлари асосида нафақа тўлаш учун ҳужжат (ведомость) равишда қуйидагилардан келиб чиққан ҳолда белгилайди:

а) фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органи махсус ҳисоб рақамида мавжуд барча маблағлардан ва тўлашга мўлжалланган ойлик миқдоридан;

б) тушган аризалар, яъни нафақа олишга талабгор оилалар сонидан;

в) тушган аризалар сонига мувофиқ тўланадиган нафақалар миқдоридан.

Нафақаларни дастлабки тайинлаш ва тўлашни амалга оширишда оилаларни нафақага муҳтож деб тан олиш мезони сифатида оила аъзоларининг жон бошига тўғри келадиган жами даромад миқдорини даромадлар ҳисоб-китобини амалга ошириш учун қабул қилинган даврдаги энг кам ойлик иш ҳақи миқдорини олиш тавсия этилади.

Оила аъзоларининг жон бошига тўғри келадиган жами даромадини аниқлаш учун барча даромадларни оила аъзолари сифатида қабул қилинган шахслар сонига бўлиш керак. Оила аъзолари сифатида одатда, аризада кўрсатилган манзилгоҳда яшаб турувчи барча оила аъзолари, шу жумладан ота, она ва уларнинг фарзандлари, ота-онанинг ота-онаси, уларнинг ака-укалари, хола ва амакилари ҳисобга олинади. Агарда аризада кўрсатилган манзилда фарзандлари 16 ёшгача бўлган 2 ёки ундан кўп оила яшаётган бўлсаю бу оилаларнинг барчаси ҳам нафақага талабгор бўлмагани ҳолда, оила аъзоларининг сонини аниқлашда фақатгина нафақа сўраб



«Эркинлик» хусусий фирмаси тикув цехи устаси ва бичиқчиси Мурод Ишонхўжаев кўплаб ёшларнинг устози саналади. Ишга бўлган муносабати, катталарга ҳурмати ва кичикларга иззати билан жамоа орасида обрў қозонган. Ҳар қандай ишни меҳр билан бажаради.

СУРАТДА: Мурод Ишонхўжаев.

Шу вақтгача қовун мураббосини, қоқисини, шиннисини татиб кўрганмиз. Аммо асалидан-чи? Эндиликда қовун асалидан ҳам татиб кўриш насиб этай деб турибди. Ҳаммамизга маълумки, республикамиз полиз маҳсулотлари етиштириш бўйича етакчи ўринни эгаллайди. Айниқса асл навли қовунларимиз ўзининг сершаралиги, яъни қандга бойлиги ва юқори ҳосилдорлиги билан машҳур.

Шу вақтгача «Ўзмевасабзавотсаноат» уюшмасида бир неча йиллардан буён қовунни қайта ишлаш жараёнида жем, шиннни, мураббо олиш имконияти бўлган. Бунда мавжуд техникалар ёрдамида фойдаланилган бўлсада, лекин қовуннинг пўчоғидан тозалаш, уруғидан ажратиш ва этини тиликлайдиган жиҳозлар йўқ эди. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти «Иссиқлик техникаси» кафедраси томонидан мана шу ишларни амалга оширадиган янги технологияларнинг тажриба нусхаси яратилди. Бу

Фан — ишлаб чиқаришга

ҚОВУНДАН АСАЛ

ҳақда шу кафедранинг докторанти, доцент Бахтиёр Шоймардонов билан суҳбатда бўлдик.

— Бахтиёр Пардаевич, сизлар яратган технологиялар ёрдамида қовундан чиқитсиз фойдаланиш мумкин экан? Шундайми?

— Ҳа, албатта. «Излаган имкон топади», деганлари рост экан. Институтимиздаги бир гуруҳ ихтирочилар кўп йиллик тажрибаларига суянган ҳолда инсон организми учун жуда фойдали бўлган қовундан турли хил маҳсулотлар олдиган технологияни яратиш имкониятига эга бўлдилар. Шу вақтгача фойдаланилган технологиялар ёрдамида чекланган миқдорда, яъни шинни, мураббо, жем маҳсулотлари олинган. Эндиги яратилган технологиялар бу маҳсулотларга қўшимча асал, спирт, мой ва ун ҳам олиш мумкинлигига тўла ишонч ҳосил қилдилар.

— Биргина қовундан шунча маҳсулотми? Ажойиб-ку.

— Дарҳақиқат, ажойиб неъматимиз борки, асти қўяверинг. Бизнинг ихтиромиз яратилгунга қадар қовундан асал олишган, аммо ҳар бир килограмм қовун гўшти учун 1 килограмм шакар қўшилган ҳолда олинган. Бизлар эса маҳсулот таннархини арзонлаштирган ҳолда айнан қовуннинг ўзидан асал олиш имкониятига эга бўлдик. Уруғидан эса озиқ-овқат саноатида ишлатса бўладиган зайтун мойи сингари мой, пўчоғидан пектинга бой ун, этидан спирт олиш технологиялари асосланган ҳолда ишлаб чиқилди.

— Бир гектар ёки бир тонна қовундан айтилган маҳсулотлардан қанчадан олиш мумкин?

— Энг аввало сифати ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак, қовундан олинган асалнинг ширинлилик жиҳатлари қанд лавлаги ва шакарқамишдан олинган шакарлардан бирмунча афзаллиги аниқланди. Агарда бир гектар ерга экилган қовундан 30—35 центнердан ҳосил олинса, ундан 200—250 килограммгача мой олиш мумкин. Бир тонна қовуннинг гўшти қайнатилганда 350 килограммгача жем, 150 килограммгача асал олиш мумкин. Олинган ҳосилдан 150—200 килограммгача уруғ олинади. Пўчоғидан эса 800 килограммгача (сахароза) пектинга бой ун олиш мумкин.

Шунинг учун ҳам озиқ-овқат саноатида мева-сабзавотларни қайта ишлаш учун ишлатиладиган техник жиҳозлардан тўлиқ фойдаланиш керак. Қовуннинг бир граммини ҳам беснобуд қилмай, кичик цехларни ташкил этиш шарт. Бунда қишлоқ жойларига саноатни олиб кириш имконини тўлиқ яратган бўламиз. Шунингдек ёзги ва кузги қовун навларини кўпроқ экиб, айтиб ўтилган технологиялардан унумли фойдаланиш лозим. Тўғри, кейинги вақтда деҳқонларимиз суғориладиган ерларга ҳамда ғалланинг ўрнига 80—90 қунда пишадиган қовун навларини экишмоқда. Ўйлаймизки, янги технологияларни яратган ихтирочилар билан деҳқонлар жуда қисқа вақт ичида ўзаро тиллашиб, қовундан чиқитсиз фойдаланишни кенг йўлга қўядилар ҳамда халқимизни табиий неъматимиз маҳсулотларидан баҳраманд этиб, дастурхонимизни тўкин қиладилар.

Баҳодир МАҲМУДОВ,
Гулзода МАМБЕТОВА.

Иқтисодий билимлар сиртқи мактабининг тингловчилари учун иқтисодиётимизни янада такомиллаштириш ва бу борадаги билимни мукаммаллаштириш мақсадида иқтисодий иборалар ҳақидаги маълумотларни бериб боришни давом эттирамиз.

Иқтисодий билимлар сиртқи мактаби

БОШҚАРУВЧИ КОМПАНИЯ

БОШҚАРУВЧИ КОМПАНИЯ — бошқа ҳуқуқий ва жисмоний шахслар билан тузилган шартномалар асосида ўзига вақтинча фойдаланиш учун берилган қимматли қоғозлар ва пул маблағлари билан ўз номидан ишончли операциялар ўтказишни амалга оширадиган ҳуқуқий шахс.

РЕЕСТР ЭГАСИ — қимматли қоғозлар эгаларининг реестрини олиб бориш бўйича хизмат кўрсатиш билан шуғулланади. Реестр қимматли қоғозлар эгаларининг уларга тегишли, исми қайд этилган қимматли қоғозларнинг миқдори, номинал нархи ва тоифалари кўрсатилган рўйхатидан иборат бўлади. Эмитент ёки эмитент топшириғи асосида бошқа бирон-бир сармоя ташкилоти бундай реестр эгаси бўлиши мумкин.

МОЛИЯ БОЗОРИ — қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришда ва унинг фаолиятини юксалтиришдаги ўрни алоҳидадир. Молия бозори — жамиятдаги молия хизматлари бозори; молия маблағларини вақтинча ҳақ тўлаб ишлатиш ёки уларни сотиб олиш юзасидан бўладиган муносабатлардир. Банкларда, фонд биржасида ва аукционларда ўтказилади. Молия бозори таркиби мураккаб, унга қимматли қоғозлар бозори, валюта бозори, инвестиция бозори, ссуда капитали бозори кабилар киради. Молия бозорида акция, облигация, сертификат, валюта олди-сотди қилинганда улар сотувчи мулкидан харидор мулкига айланади. Улар пул ўрнида юрганидан молиявий маблағ вазифасини ўтайди. Кредит пули ёки инвестиция маблағи том маънода сотилмайди. Улар бозорда фойдаланиб туриш учун берилади ва эгаси бу хизмати учун қарз ҳақи — процент олади. Лекин улар қарздор мулкига айланмайди, маълум вақтдан сўнг ўз эгасига қайтарилади.

МОЛИЯВИЙ БРОКЕР — топшириқлар ёки комиссия шартномалари асосида ишончли вакил сифатида (топшириқ шартномаси бўйича) ёки воситачи сифатида (комиссия шартномаси бўйича), шунингдек унга фуқаро-ҳуқуқий муомалалар юритиш (мисол учун, қимматли қоғозларни сотиш ва сотиб олиш) ҳуқуқини берадиган ишонч қоғози асосида учинчи шахслар (ишонч қоғози берганлар) топшириғи бўйича уларнинг ҳисобидан ҳамда уларнинг манфаатини кўзлаб иш кўради.

МОЛИЯВИЙ ДИЛЕР — маълум қимматли қоғозларни сотиб олиш ёки сотиш нархларини оммавий равишда эълон қилиш ҳамда кейинчалик бу қимматли қоғозларни эълон қилинган нархларда албатта сотиб олиш шарти билан ўз номидан ҳамда ўз ҳисобидан қимматли қоғозларни сотиш ва сотиб олиш билан шуғулланади.

«Учқун» ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати ортиб, харидоргир бўлиб бормоқда. Чунки бу ерда гул босадиган, тўқийдиган дастгоҳлар хорижий давлатлардан келтирилгандир.

СУРАТДА: гул босиш цехида.

Рустам Шарипов олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қарашли Ҳамид Сулаймонов номли Қўлёзмалар институтининг тошбосма китоблар хазинасида сақланаётган «Одоб ує-солиҳин» («Солиҳ кишилар одоби») рисоласи халқимиз маънавий хазинасини безаб турган асарлардан саналади. Гарчи ундаги сатрларнинг баъзи бирлари ҳозирги даврда кишига эриш туюлсада, лекин аксарият тавсия ва талаблар ҳар қачонгидек долзарб ҳисобланади. Келтирилган мисоллардаги баъзи бир сўз, иборалар ё жумлалар ҳозирги тилга яқин қилиб ўзгартирилган.

Маънавиятимиз сарчашмалари

СОЛИҲ КИШИЛАР ОДОБИ

● **Бирор кимса таниш-билишининг уйига борганда қуйидаги одобларга амал қилиши керак**: келганини эшик орқасида туриб билдириши керак, овоз чиқса, кирсам майлими, деб сўраши керак; агар кимсиз, деган овоз чиқса, менман, танишингизман ва шунга ўхшаш мужмал жавоблар бермасдан, фалончиман, деб исмини айтиши шарт.

● **Саломлашиш одоблари**: икки мўъмин қарама-қарши келиб қолса, хоҳ таниш, хоҳ бегона, саломлашишлари керак. Салом суннат, жавоби фарз ҳисобланади. Ассалому алайкумни тўлиқ айтган яхши. Жавобни, албатта, ваалейкум ассалом, деб эшитиладиган қилиб қайтариш керак. Икки киши бир-бирига баравар салом берса, жавоби шарт эмас; агар киши кўпчилик ичига кирса, бир кишига алоҳида салом бериши хунук, ҳаммага бирдан салом бериш тузук бўлади; кўпчилик бир кишига салом бериб қолиш ҳоллари ҳам бор, унда ҳаммага қараб алик олиш керак. Агар бир киши бошқа бир кимсанинг саломини етказса, мактубдаги саломга ҳам жавоб лозим. Саломни бошни кўп энгаштирмай, қўл ёки бош билан ишора қилмай, киши эшитадиган қилиб, паст ҳам, баланд ҳам эмас, бериш керак. Қуйидаги ҳолларда саломлашилмайди: ҳожатхонада, уйқудан турганда, ҳаммомда, таом еб турганда, хутба намоз ўқилаётганда, азон айтилаётганда; Қуръон, дуо ўқиётганга, фосиқ, нопок, золим ва кофирга салом берилмайди; охиргилар салом берса, ваалайк, деб жавоб берилади холос.

Қўл бериб кўришганда, буни мусофаха — кафтни кафтга қўйиш дейдилар, қўл учи билан кўришмай, кафт кафтга тушиши керак. Қўл чўзган одам кўришган одам қўлини тортмай туриб қўлини тортиши яхши эмас. Сафардан қайтган, узоқ муддат кўришмаган одам билан қучоқ очиб кўришилади.

● **Уйқу одоби**: киши уйқу ихтиёр қилганда аввал эшикни ёпиб, ўринни бир қоқиб ташлаб (бирон-бир ҳашарот, қаттиқ нарса тушиб қолган бўлиши мумкин), чироқни ўчириб ётгай. Ўрин-кўрпа кўп ҳам юмшоқ бўлиши керак эмас. Яхши туш кўрса, уни изҳор қилиш мумкин, ёмон туш бўлса, индамай қўйган маъқул.

● **Либос кийишнинг ҳам одоби бор**. Кўнгилга қайси либос ўтирса, ўшани кийиш керак. Оқ либос яхши ҳисобланади.

● **Йўлда риоя қилиниши керак одоблар**: ўртача қадам ташлаб, тоза, озода жойдан йўлга қараб юриш керак. Одам кўп жойдан бировни туртмасдан, оёғини босмасдан ўтиш лозим; икки киши сўҳбатлашиб турган ё кетаётган бўлса, ўрталаридан ўтмаслик керак. Хусусан, аёллар ўртасидан ўтиш бағоят ёмон иш ҳисобланади. Ёшроқ ёши улуғроқ ортидан юради. Йўл бошида суҳбат бошланиб қолса, четга ўтиб, йўловчиларга халақит бермай туриш керак. Тош ва шунга ўхшаш нарсалар учраса, йўлдан олиб ташлаш керак, токим биров қоқилмасин. Йўлга туфуриш ҳам беадаблик ҳисобланади. Агар бирор гўдак ё ночор киши қандайдир ташвиш билан нима қиларини билмай турган бўлса, иложи бўлса унга ёрдам, бўлмаса далда бериб кетиш керак.

Кўча бошида бекор ўтириш яхши эмас. Агар ўтирилса ҳам йўл ҳақига риоя қилиб, яъни номаҳрамларга назар солмай, саломларига алик олиб, нолойиқ қилиқлар қилмай ўтириш керак.

● **От минганда** (ҳозир машинада ўтирганда) агар отлиқ улуғ киши бўлса ҳам пиёдага салом бериши керак.Отни (машинани) эҳтиёт бўлиб,одамлар бор жойдан ҳарчанд зарур бўлса ҳам секин юриб, чангитмай, лой, сув сачратмай ўтиши керак.

● **Суҳбат одоби**: агар суҳбат муҳтарам кишилар билан бўлса, пастроқдан жой олиб ўтириш лозим. Катталарнинг сўзларига қулоқ солиб, бирор нарса сўрасалар аста ва мулойим жавоб бериш керак. Улуғлар билан ва улар олдида бошқа бировлар билан ҳазил-мутойиба қилиш ярамайди. Суҳбат, йиғинларга эгни ва бадани покиза бўлиб, пиёз, саримсоқ кабиларни емасдан, умуман, ёқимсиз ҳидлардан фориғ бўлиб бориш маъқул. Суҳбатлашаётганлар бир-бирларига назар ташлаб ўтиришлари, огоҳ бўлишлари керак.

Кўпчилик ичида адаб ва ҳурматни сақлаб ўтириш керак. Икки киши ўртасига ижозатсиз ўтириш яхши эмас. Кибор билан ўтириш, қўлларни орқага тираб ёки тиззаларни ушлаб ўтириш ҳам одобдан узоқ. Келган кишилар билан ўриндан туриб кўришиш, улуғ кишиларни юқорига ўтқазиш керак.

Суҳбат чоғида ҳомуза тортиш (эснаш) яхши эмас. Агар бунинг иложи бўлмаса, лабни тишлаш ёки енг билан оғизни беркитиш керак. Биров гапириб турган бўлса, у сўзини тамом қилмагунча тинглаб туриш керак. Кўп гапириш ва кўп сукут сақлаш ҳам яхши эмас. Гапирганда ўртача овозда гапириш лозим.

Суҳбатда ҳадеб ҳазил-мутойиба, мазаҳ қилабериш ҳам ноўрин. Ҳеч кимни ғийбат қилмаслик ва ғийбатга қулоқ солмаслик керак. Ҳадеб хушомад ҳам қилавериш керакмас. Кўпчилик ичида иққи киши қулоққа шивирлаб гаплашиши, бошқа тилда ёки имо-ишора билан сўзлашиши ҳам номақбулчилик ҳисобланади.

● **Эр-хотин одоблари**: эр-хотин очиқ юз билан яхши сўзлашишлари, беҳуда ғазаб қилмасликлари керак. Нафақа, пул бобида эркак киши кенг ва сахий бўлмоғи шарт. Ҳалол сармоядан (пулдан) овқатга бермоқ лозим.

Хотин эридан изнсиз ҳеч жойга бормагай, ҳеч кимни уйга олиб келмагай ва эрининг молини беизн сарф қилмагай. Уйдаги вазифаларини интизом билан бажариши, эри хурсанд бўлса, хурсанд, ғамгин бўлса, ғамгин бўлгай. Эрининг топганига қаноат қилиши керак.

● **Касал кўриш.** Касал кишини кўргани борганда очиқ юз, хушмуомала бўлиш керак. Ҳадеб беморнинг юзига қарайвериш, баланд овоз билан ва кўп гапириш, узоқ ўтириш мумкин эмас. Агар буни касалнинг ўзи сўраса, бошқа гап. Тузалиб кетасиз, деб кўнгил кўтариш, кўнглингиз нима тилаяпти, деб сўраш керак. Кўнгилни хуш қилувчи, қизиқ нарсалардан гапириб ўтирган яхши.

● **Таъзия билдириш.** Бирор кимса вафот этган хонадонга хоҳ дафндан олдин, хоҳ кейин уч кун ичида таъзия билдириш керак. Аёллар тобут орқасидан кўчага чиқмайдилар. Йиғлаганда овоз кўтариш, бақириш ҳаром ҳисобланади. Кўп фарёд уриб йиғлаганда тобутдаги одам кўп азоб тортар эмиш.

Бошига мусибат тушган хонадонга овқат қилиб чиқариш тўғридир. Қабр устига ғишт, тош ва бошқа нарсалар ўрнатиш, чироғ (шамм назарда тутилган) ёқиш бидъат, нотўғри ҳисобланади. Эркаклар ота-оналари, қариндош-уруғлари мозорини тез-тез зиёрат қилиб туришлари лозим. Аёлларга ҳам у ерга бориб туриш ман этилмайди. Зиёрат қанча кўп бўлса, ётганлар руҳи шунча кўп шод бўлади.

Исроил ШАМСИМУҲАМЕДОВ,
филология фанлари номзоди.

Бухоронинг 2500 йиллиги олдидан

ДАРВОЗАБОН

Бухорога бир гал сафар қилганимда Лаби Ҳовуз ёнгинасидаги Кўкалдош мадрасасида Зариф ота исмли дарвазабон билан танишганимга роппа-роса чорак аср бўлибди. Ўшанда тўқсондаман, дегандилар. Оламдан ўтган бўлсалар худо раҳмат қилсин.

Мирарабликлардан шу одам ҳақида батафсилроқ билишни сўрасам, «Дарвозабон чолми?» дейишганди. Уларнинг бу жавоби мени ҳайратда қолдирганди. Айтганлари тўғри, жуссалари ўрта бўй, қадлари анча эгик, елкалари бўртиб чиққан, худди тоғ чўққисини эслатади. Соқоллари ўсиқ, оппоқ, очиқ юз, ҳазилкаш, қувноқ кўринардилар. Тез ҳаракатчан, гаплари маъноли, донишмандларга ўхшаб кетардилар.

Дарвозабонлик ота касб бўлиб, Зариф ота Шўро замонида ҳам дарвозабонликдан бошқа касбда ишламаганлар. Ўзлари ҳам, бухороликлар ҳам шу ҳақда гапиришади.

Қиш фасли эди. Кўш табақали дарвоза ичкарига очилар, қайрағоч дарахтидан ясалгани учун анча пухта, нақшли ва оғир эди. Зариф ота сира қийналмай очиб, ёпиб турардилар. Бир тарафда кичик бир жой бўлиб, қишин-ёзин шу жойда ўтириб, манқалга ўт қалаб, исиниб, қора қумғонни қайнатиб, аччиқ кўк чой дамлаб ичарканлар, ҳар сафар ҳазиллашиб қўярдилар.

Зариф ота назаримда жонли тарих эдилар. Бутун бошли Бухоро тарихини биларканлар. Бир ҳафта бир ҳужрада ётиб юраверибман. Зариф ота ҳузуримга кириб: «Шу хонада ёзувчи Садриддин Айний ҳам ётиб, ижод қилганлар» демасалар, билмас эканман.

Бухорони яёв айлангим келиб қолди. Зариф ота: «Анчадан бери ҳеч ёққа чиқмаган эдим. Сенга ҳамроҳ бўлиб, оёғимнинг чигилини ёза қолай» деб, дарвозани ёпдилар. Орқамдан букчайиб, ҳассаларини дўқиллатиб келардилар. Ниҳоят, суҳбатимиз бошланиб кетди. Баъзан қариликларини ҳурмат қилиб, суямоқчи бўлсам: «Йўқ, йўқ, ўзим бамайлихотир юравераман, тағин ошноларим меҳмон келиб суяшни ўргатиб кетибди-да, дейишмасин, уялтириб», дердилар.

Зариф ота кўринган нарсанинг бирортасини ўтказиб юбормай, номма-ном гапирардилар.

— Бу Мирараб мадрасаси, ёпиқ бозор ҳам шу ерда. Ҳаллолик доим ҳукм сурган. Биров-бировнинг нарсасига тегмаган. Ҳамма беш вақт намозини ўқиб, буюмларини хотиржам ташлаб юраверган. Аллоҳ ўзи сақласин дейишган. Кунлардан бир куни қаёқдандир бир дайди ўғри пайдо бўлиб қолди. Ўз кўзим билан кўрганман. Бир-икки кишининг ақчаси ўғирланди. Уни ушлаб олишиб, бўйнига сиртмоқ солишиб, қўлини боғлашиб, отаравасанинг орқасидан эргаштириб, Бухоро кўчаларини жарчи орқали кун-бўйи айлантиришди. Намози асрдан сўнг ҳаммани Минораи Калон атрофига тўплашиб, кўзини боғлаб баланд минорадан ташлашди.

Тарихий маълумотларда ҳам шу ҳақда гап боради. Минораи Калон 1127 йилда қурилган. Баландлиги бир юз ўттиз метрга етади. Пишган «мусулмон ғишт»ларидан қурилган. Шўро замони ўрнатилишида замбарак ўқларига ҳам бардош берибди. Ўқлар зарби ҳам сақланиб қолган. Гуноҳкор-маҳбуслар шу майдонда сўроқ қилинар, шу ерда қатл этилиб турилган. Юртимизда яшаб, ижод этган рус рассоми Леонид Бур ўз хотиралари асосида «Бухорода уч кишининг қатл этилиши» номли тарихий асарида ўша воқеалардан бирини рангтасвирда рўй-рост ҳикоя қилиб берган. Бу картина тарих музейида сақланмоқда.

Зариф ота Бухоро амири билан яхшигина ошно бўлиб, бир дастурхондан таомлар ҳам еган эканлар. Шўро замони пайтлари Амир Олимхон яширинча ўз она шаҳрига келибди. Зариф ота шу ҳақда қизиқарли ҳикоя айтиб бергандилар. Амир она шаҳрида сўнгги бор дийдор кўришиб, дастрўмолига бир кафт тупроқ тугиб кетган экан...

Мени шу кунларгача сақланиб қолган мудофаа деворлари қизиқтирарди. Афсуски, йиллар ўтиши билан кўп қисми бузиб ташланибди. Айримларигина туя ўркачидек сақланиб қолибди, холос... Амир арки, зиндон. Ситораи Мохи Хосса, Чор минор каби ўнлаб ёдгорлик ва уларнинг вайрон этилган қолдиқларини Зариф ота билан бирма-бир қўлга олиб, кўздан кечирдик. Масжид, мадраса каби муқаддас жойларни зиёрат қилдик.

Кўкалдош мадрасасига етиб келганимизда рўпарамиздаги Чор минор минораларига уя қурган лайлаклар ўз жойларига учиб келишарди.

— Кўраяпсизми меҳмон, бу лайлакларни. Эсимни таниганимдан биламан. Ўн тўртта эди, ҳамон шунча. Ё кўпаймайди, ё камаймайди ҳам. Бу сирни ҳеч ким билмайди. Ўзига хос файзи, фаришталари, хосияти бор. Бирортамиз овқат ҳам бермаймиз. Қишмиёзми ризқ-насибасини топиб ейишаверади, жониворлар, — деб завқ билан лайлакларга термулиб, тушунтирдилар Зариф ота...

Бухородаги обидалар соғомон кўкка бўй чўзиб турибди. Эҳтимол ўша лайлаклар ҳали ҳам учиб келишар... Зариф отанинг руҳи ҳам қадим шаҳар узра кезиб юргандир эҳтимол.

Маҳмуд АҲМЕДОВ,
Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг илмий ходими, санъатшунос.

Шаҳримиз оппоқ қор оғушида. Ҳам ўзгача файз-тароватли бўлади. Хиёбонлар, худди укпар қўнган дарахтлар кишига ажиб туйғулар инъом этади.

Рустам Шарипов олган сурат.

Ҳурматли «Оқшом» таҳририяти! Шифокорларнинг бурчи ва одобини ўргатадиган фан бор экан. Ана шу ҳақда маълумот берсангиз айни муддао бўларди.

Саодат ОРИПОВА, хизматчи.

Савол сиздан — жавоб биздан

ШАМДЕК КУЙСА ҲАМ

ўзгалар дилини равшан қилиш бахти

Деонтология шифокорларнинг бурчи ва одоби ҳақидаги фан бўлиб, врачлар, ҳамширалар ва кичик тиббиёт ходимларининг хатти-ҳаракатини белгилайдиган мафкуравий дастуруламалдир.

Табобат аҳли орасида ҳозирги кунгача ечилмай келаётган бир жумбоқ бор: «Тиббиёт бу илмми ёки санъатми?».

Узоқ ва яқин ўтмишдаги алломалар ва бугунги олимларнинг эътироф этишича, тиббиётга аввало фундаментал фан сифатида қараш кераклиги ҳеч кимда эътироз ёки шубҳа туғдирмайди. Лекин унинг амалий жорийси, ижроси, табобатчилик сирларининг ҳаётдаги татбиқи катта бир санъат эканлигини ҳам тан олишга тўғри келади. Табобатнинг мана шу қирралари тиббиёт деонтологияси қонун-қоидаларини ўз ичига олади ва унга амал қилади.

Тиббиёт деонтологияси кенг фалсафий тушунча бўлиб, бир қанча йўналишлардан иборат:

Врач билан бемор ўртасидаги муносабат.

Врач билан беморнинг қариндошлари, дўстлари, ҳамкасблари орасидаги муносабат.

Врачларнинг ҳамкасблари, ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари билан муносабати.

Шифокор ва беморнинг даволаш жараёни пайтидаги ҳуқуқлари.

Врачлик (шифокорлик) сирларини сақлаш.

Устоз ва шогирд муносабатлари.

Шифокорнинг ўз фаолиятидаги хатолари ва бошқалар.

Деонтология қонун-қоидаларининг тиббиёт амалиётида тўғри жорий қилиниши — шифокорнинг онги, савияси, дунёқараши, билим мезони ва қайси жамиятда яшаётганлиги билан чамбарчас боғлангандир.

Кишилик жамияти тараққиётининг турли босқичларида шифокорларнинг беморлар билан деонтологик муносабатлари турлича бўлган. У ҳукмрон замон талабига қараб ўзгариб турган.

Врачлик деонтологияси фан сифатида кенг тармоққа ва жабҳаларга эга. Уни бир кафедранинг кучи ёки деонтологик курс очиш билан ўргатиб ёки ўрганиб бўлмайди. Чунки юзаки қараганда деонтология умумий фанга яқин тушунча бўлса ҳам аммо ҳар бир врачлик касбининг ўзига хос деонтологияси мавжуд. Масалан, терапевт, жарроҳ, стоматолог, психиатр, онколог, амалий ёки участка врачи деонтологияси бир-биридан фарқ қилади. Деонтологиянинг бу жузъий жабҳалари клиник фанларга қўшиб ўқитилади.

Врачлик деонтологияси шифокор билан бемор муносабатидан иборат. Врачнинг бутун билими, бурчи, одоби, хатти-ҳаракати беморда унга нисбатан ишонч уйғотишига қаратилган бўлиши керак, яъни беморда дардимга фақат шу врачгина малҳам бўла олади, деган умид ва туйғу пайдо қила олиши керак. Бунинг учун аввало врач бемор билан мулоқотда бўлиш санъатига эга бўлиши керак. Афсуски, биз талабаларга беморлар билан гаплашиш санъатини (беморнинг анамнезини тўплаш) чуқур ўргатмаймиз, бунга ўқув дастурларимизда етарли соатлар ажратилган эмас. Лекин бу деонтология тарбиянинг энг муҳим ва долзарб муаммоларидан бири ҳисобланиши керак. Бошқача айтганда, врач беморга энг аввало сўзи, гапи орқали таъсир қилиш санъатига эга бўлиши шарт.

Кези келганда улуғ рус олими Бехтеревнинг «Агар врачнинг биринчи суҳбатидан сўнг бемор ўзини енгил ҳис этмаса, у врач эмас» деган иборасини эсланг. Айрим чет элдаги тиббий олий ўқув юртларида бу масалага жиддий ёндашишади. Масалан, Англиянинг Глазго шаҳридаги тиббиёт институтида профессор Хамшир Барбер раҳбарлигида 3-5-курс талабаларига мўлжалланган «Беморлар билан мулоқот санъати» кафедраси мавжуд.

Бемор билан суҳбатлашиш беморнинг исми-шарифи, насл-насаби, касби-кори, лавозимини ҳисобга олган ҳолда олиб борилиши кераклигини биламиз, аммо суҳбат мазмунида беморнинг дарди асосий мавзу эканлигини чуқур таҳлил этмаймиз. Бошқача сўз билан айтганда, мулоқот деонтологияси беморнинг асосий клиник ташхиси атрофида бўлиши шарт. Айтайлик, врач ва бемор суҳбатининг негизида беморнинг дардига малҳам бўлиш, касалликнинг кечиши, оқибатлари ҳақида ишонарли, тўғри, объектив маълумотларга асосланиб, лекин уларнинг дардини бошқаларга ошкор қилмасдан даволаниб кетишига ишонтириш туйғуси ётади. Мулоқот санъатини эгаллаган врач турли касалликка, масалан, миокард инфарктига, мия инсультига, рак, бронхиал астма, пес, сил, шизофрения, захм, ОИТС (СПИД)га учраган беморлар ва уларнинг яқинлари билан бир хилда суҳбатлашмаслиги керак. Мураккаб жарроҳлик операциясидан олдин бемор ва унинг яқинлари билан олиб бориладиган суҳбат методологияси ҳам ўқитилмайди.

Кези келганда шифокор деонтологияси муаммоларидан бири бўлган «Ятрогения» ҳақида сўз юритишни лозим топдик. Маълумки, «ятрогения» бу врачнинг ёки тиббиёт ҳамширасининг ношуд суҳбати, ножўя кўрсатмалари, қўпол хатти-ҳаракатлари, билимсизлиги ва лоқайдлиги ёки бир сўз билан айтганда, шифокорнинг айби билан беморда пайдо бўлган янги касалликдир. Бу буюк тиб алломаси Буқротнинг «Primun non nozere», яъни «Беморга энг аввало зарар келтирма», деган деонтологик нақлининг бузилиши оқибатидир. Бундай касаллик бугунги кунда тахминан 10 фоизни ташкил қилади. Бу врачлар, ҳамширалар орасида ҳали ҳам ўз деонтологик бурчини тўла тушуниб етмайдиганлар борлигидан дарак беради. Бундайлар врачлар шаънига доғ тушириб, беморларнинг ўз дардларига давони бошқалардан, яъни тиббиётдан бехабар кишилардан ахтаришларига сабабчи бўлаяпти.

Икки оғиз сўз ҳозирги кунда Оврупо врачлари орасида шов-шувга ва мунозарага сабаб бўлаётган «эвтаназия» ҳақида. Эвтаназия — бу оғир, давосиз касалликка (масалан, ракнинг охирги босқичи) мубтало бўлган беморнинг ўлимини тезлаштириш ва уни қийноқ азобларидан қутқариш ва табиий ўлимни турли дори-дармонлар ёрдамида енгиллатишдир.

Бу қалтис ва нозик масалага врачлик деонтологияси нуқтаи назаридан рад жавобини бериш керак, бу борада Буқротнинг китобларидан бирига эпиграф сифатида ишлатган «Ўлдирма» деган нақлни ва «Мен врачлик фаолиятимда беморнинг ўлимига сабаб бўладиган бирон-бир дорини ишлатмасликка қасам ичаман» деган иборани ҳамда ҳазрат Алишер Навоий «Табиб — жаллод эмас» деган нақлини эслаш кифоя.

Врачлик деонтологияси врачдан инсоний фазилатларга эга бўлишни тақозо этади. Бундай фазилатлар билимдонлик, одамийлик, жасорат, меҳр-шафқат, хушмуомалалик, оқиллик, ҳалоллик, инсофлилик, покизалик, софдиллик, зийраклик, ҳозиржавоблик, босиқлик, камтарлик, изланувчанлик кабилардир.

Маълумки, шифокорлик деонтологияси врачдан аввало билимдонликни талаб қилади. Бу унинг умумий билим кўлами, тиббиёт институтида олган билими, олийгоҳни битиргандан сўнг ўз устида тинмай ишлаб, билим косасини тўлдириб боришига боғлиқ. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, одамлар орасида учрайдиган касалликларнинг сони ўн мингдан, хасталик белгилари эса юз мингдан ортиқ. Ҳар йили дунёда касалликларга қарши минглаб янги дорилар ишлаб чиқарилади. Уларнинг ҳаммасини институтда ўқиб юрган даврда талабаларга ўргатиб улгуриб бўлмайди. Ҳаётий ва врачлик фаолияти даврида у турли тиббий китоблар, журналлар ва айрим манбалардан фойдаланган ҳолда ўз билимини бойитиб боради.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти статистика бўйича йилига 6000 га яқин ойлик журнал (уларда 20000 га яқин илмий мақолалар босилади) ва 8000 га яқин турли китоб, дарслик, монографиялар чоп қилинади.

Врачлик деонтологияси тиббиёт тарихини яхши билишни ҳам тақозо этади.

Биз шу кунгача талабаларимизга, шифохоналарда беморнинг касаллик тарихи ёзилишини буюк рус олими, терапевт М. Я. Мудров (XIX аср боши) амалиётга жорий қилган, деб ўқитиб келганмиз. Ҳолбуки, бу ишни М. Я. Мудровдан қарийб 1000 йил илгари яшаган Шарқнинг улуғ олими Ар-Розий ва унинг шогирди амалга оширган экан. Уларнинг ўзбек тилига таржима қилинган «Касалликлар тарихи» деган рисоласида 799 та беморнинг касаллик тарихи чуқур илмий таҳлил қилинган.

Ўтмишимиз тарихини билишга интилиш билимнинг янги-янги қирраларини очаётганлиги қувонарли ҳолдир. Шуни таъкидлаш керакки, врачлик деонтологияси ҳақида таълим бераётган пайтимизда, талабаларга врачларнинг касбий фаолияти ва шахсий фазилатлари қандай бўлиши кераклиги борасида сўз юритганимизда биз мисолларни рус адабиёти намояндалари Чехов, Вересаев, Булгаков ва ҳоказолардан қидирар эдик. Ҳолбуки, улуғ шоирларимиз Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомийлар табобат ва табибларга доир қимматли фикр ва мулоҳазалар билдирган эканлар. Масалан, Алишер Навоий ўзининг «Маҳбубул қулуб» асарида табиблар ҳақида қуйидаги ноёб фикрларни айтади:

Табиб ўз фанининг моҳир билимдони бўлиши, беморларга раҳм-шафқат билан муомала қилиши, асли тиб илмига табиати келишмоғи, донишмандлар сўзига риоя қилиб, уларга эргашмоғи;

мулойим сўз ва бемор кўнглини кўтарувчи андишали, хушфеъл бўлмоғи керак.

Ўткир ва шафқатли табиб Исога ўхшайди. Исонинг иши жонни дуо билан танга киритиш бўлса, табибнинг иши эса тандан чиқмоқчи бўлган жонни даво билан чиқармасликдир.

Бундай табибнинг юзи хасталар кўнглида севимлидир, сўзи эса, беморлар жонига ёқимлидир. Унинг ҳар нафаси беморларга даво, ҳар қадами эса хасталарга шифодир. Унинг юзи нажот келтирувчи, Ҳизрни берадиган шарбати эса тириклик сувини эслатади.

Табиб агар ўз касбида моҳир бўлса-ю аммо ўзи бадфеъл, бепарво ва қўпол сўз бўлса, беморни ҳар қанча муолажа қилганда ҳам барибир унинг мижозида ўзгариш пайдо қилолмайди. Табобат фанидан саводсиз табиб худди жаллод кабидир. У тиғ билан ўлдирса, бу заҳар билан азоблайди. Шубҳасиз, жаллод бундай табибдан яхшироқдир. Зеро, у гуноҳкорларни ўлдиради, бу эса бегуноҳларни ҳалоқ қилади. Ҳеч бир гуноҳкор жаллод қўлида хор бўлмасин, ҳеч бир бегуноҳ касалманд бундай табибга зор бўлмасин.

Байт:

Ширин сўзли моҳир табиб тан хасталигига шифодир,
Бадфеъл, сержаҳл ва саводсиз табиб эса эл жонига балодир.

Яна бир мисол: маълумки, қадимдан тиббиётни ва табобатни акс эттирадиган турли рамзий тимсоллар мавжуд. Шулардан бири ёниб атрофга нур тарқатаётган шамдир. Унга XVII асрда яшаган машҳур голланд врачи Ван Тюльп «Ёниб ўзгаларга нур тарқатаман» деган иборани айтган. Лекин Ван Тюльпдан тахминан 300 йил бурун яшаган Абдураҳмон Жомийнинг шу борада зиёли табибга қарата айтган шеърий нақлини келтирамиз:

Шамдек бўл, шамни кўр,
Куйиб қалбу тан,
Ўзгалар дилини қилади равшан.

Шамдек куйса ҳам ўзгалар дилини равшан қилиш бахтига муяссар бўлмоқ ҳақиқий шифокор қисмати экан, бу масъулиятни шифокорликка даъвогар талабалар қалбан англаб етмоқлари даркор.

Эркин ҚОСИМОВ,
2-Тошкент Давлат тиббиёт институти ички касалликлар пропедевтикаси кафедрасининг мудири, профессор.

Байрам кунлари аксарият кишилар вақтларини «зангори экран» олдида ўтказадилар. Телевидение ходимлари бу йил ўзгача бир дастур тайёрлабдилар. Бу ҳақда ҳали фикрлар билдирилар. Лекин биз Янги йил куни экранда намойиш этилган «Ака Шариф Тошкентда» фильми хусусида баъзи мулоҳазаларни билдирмоқчимиз.

Шахсий фикр

КУЛДИРИШ — САНЪАТ

Биринчи фильм жузъий камчиликларга қарамай, анча муваффақиятли чиққан. Ҳар қалай, кино олдига қўйиладиган талаблардан биттаси муваффақиятли ҳал этилган. Томошабин кулади, дам олади.

Иккинчи фильм хусусида фикрлар бунинг акси. Мақтайдиган, қувонадиган жойи кам, танқид қиладиган жойи кўп. Аввало, ака Шарифнинг турмуш ўртоғи хусусида. Балки бунинг режиссёрга боғлиқ бўлмаган томони бордир. Лекин агар имкони бўлса, Дилором Қамбаровнинг ўзи қатнашиши керак эди. Сабаби, бу фильм «Маъруф ва Шариф»нинг мантиқий давомидир.

Тошкентга жўнайдиган абитуриент — шоирни ва ака Шарифнинг оиласини машинага ўтказиб, эшакда судрайдилар. Ундан кўра эшакаравага ўтказиб кўя қолса бўлмайдими? Ҳозир бу беозор улов яна русм бўляпти. Айни XXI аср бўсағасида машинани эшакда тортиб юришса эриш туюлади.

Қаҳрамонларимиз Тошкент сари йўлга тушишди. Лекин Россияга бориб келган ака Шарифнинг Косонсойнинг автобусига адашиб чиқиб кетиши ишонарсиз чиққан. Хўп майли, Тошкент йўлини водийдан фарқлай олишмади, ён-веридагилар, ҳамроҳлари, ҳайдовчининг бошқалигини билмадилар. Юклари-чи? Чамадонлари автобусга қандай қилиб ўтиб қолди?!

Бунисиям майли. Лекин қаҳрамонлар Косонсойга нима мақсадда олиб борилади? Бесабабдан бесабаб акса урадиган бир одам билан учрашиш учунми?

Мана энди шоир билан учрашдилар. Саид Аҳмад домла ҳам бундан яшар боланинг аҳволига солиш томошабинни кулдирадими? Муҳаммад Юсуфга маъқўл келадиган шеър ёзган ўспирин бундай кулги бўлиши қизиқ...

Кулдириш бу санъат. Бачканалик эмас. Мана Ҳожибой Тожибоев, оддий турмушимизда учрайдиган гаплар билан ҳам томошабинни кулдиради-ку! Бу ерда озгина тер тўкиш, изланиш керак холос. Кино учун йўқотилган вақт, меҳнат, қолаверса маблағ беҳуда сарфланмаса деймиз. Инчунун, кинони бошқа миллат вакиллари ҳам кўради. Уларнинг кулгуси халқнинг устидан кулиш даражасига етмаслиги керак.

Фильм кинотеатрда намойиш этилгандан кейин балки бундай мулоҳазалар бўлгандир. Эҳтимол, ундан кўп нарса кутганимиз учун шундай бўлгандир. Ичимиз ачиб бу гапларни айтгандирмиз.

Бугун елкамизга офтоб тегди. Фильмларимиз ўзимизнинг тилимизда яратиляпти. Ҳар хил тазйиқлар йўқ. Мана шу имконият, мустақиллик даврида яратилган санъат зиммамиздаги масъулиятни икки ҳисса оширади. Биз энди қадриятларимизни, маънавий дунёмизни дунёга кўз-кўз қиладиган кино асарлари яратишимиз керак.

Абдураҳмон ЖЎРА.

«Араб тангоси» Ботир Зокиров ижро этган машҳур қўшиқларидан бири. Айнан мана шу қўшиқ уни бутун дунёга танитди. Унга оламшумул шуҳрат келтирди. Унинг биргина бу қўшиғи эмас, балки бисотидаги ҳамма қўшиқлари ўзига хос мафтункорлиги ҳамда бетакрорлиги билан мухлислар қалбидан жой олди.

Ёднома

ЖАҲОННИ ЗАБТ ЭТГАН ҚЎШИҚ

Беқиёс, фусункор овози билан ҳеч кимникига ўхшамайдиган қўшиқлар яратишни ният қилган эди у. Не ажабки, унинг бу нияти амал топди. Юксак иродаси, қатъий иймон-эътиқоди, тинимсиз изланишлари, машаққатли меҳнатлари ўз самарасини берди. У қўшиқларини бутун борлиғи билан ёниб, жўшиб куйлади. Ҳар бир қўшиғига ўзгача бир руҳ, шукуҳ бағишлади. Мумтоз адабиётимизни, маънавий бой меросимизни ниҳоятда қадрлар эди у. Ғазал мулкининг султони Алишер Навоий асарларини ихлос билан қўлга олиб, берилиб ўқирди. Айниқса «Лайли ва Мажнун» достонининг айрим бобларини ёд биларди. Шу сабабдан бўлса керак, унинг ижросидаги ҳар бир қўшиқ маънавий жиҳатдан етук ва баркамол эди. Бу етуклик, бу баркамоллик унинг концерт дастурлари орқали мухлисларга қандайдир бир мусиқий тиниқлик бахшида этди. Ботир Зокиров қайси тилда қўшиқ куйламасин, барчасини қойилмақом қилиб ижро эта билди. Бирон бир халқнинг қўшиғини куйлашдан олдин, ўша халқнинг санъати, маданияти билан яқиндан танишди. Бу эса ўз навбатида санъаткорнинг обрўсини янада юксак чўққига кўтарди.

... 1957 йили ёшларнинг Москвада бўлиб ўтган Бутунжаҳон фестивалида Ботир Зокиров синглиси Луиза Зокирова билан биргаликда «Ўзбекистон — менинг диёрим» деган қўшиқни ижро этди. Бу қўшиқ ўшанда ёшлар фестивалининг бронза нишонига сазовор бўлди. Жонажон Ватанимиз ҳақидаги ушбу қўшиқнинг матни ва куйи Ботирнинг онаси — Шоҳиста ая ижодига мансуб эди. Не ажабки, Шоҳиста аянинг бу қўшиғи ўғлининг санъатдаги дастлабки қадамларига оқ фотиҳа бўлди. Онасининг юрак туғёни билан яратилган бу қўшиқ ҳамиша унга йўлдош, ҳамкор ва ҳамнафас бўлди.

Мустақиллик шарофати билан маънавий меросимиз ва қадриятларимиз эъзозланмоқда, она юрт ифтихори қўшиқларда куйланмоқда, халқ санъати ҳам ўз қадр-қимматини тикламоқда. Мана шундай маънавий ўзгаришлар даврида ўзбек эстрадасининг ёрқин юлдузи Ботир Зокиров ижодини ҳар жиҳатдан бекаму кўст ўрганмоқ ва қадрламоқ лозим. Унинг ноёб истеъдодини, бетакрор санъатини маърифат ва маданият масканларида кенг тарғибот қилиш ҳамда у ҳақда асарлар яратиш фурсати етди. Менимча буюк санъаткор ҳақида ёзилган ҳужжатли қисса, унинг ҳаётига доир айрим лавҳалар ва ҳужжатли фильм эндиликда кифоя қилмагай. Дилбар қўшиқлари билан ўзбекнинг санъатини оламга ёйган камтарин ижодкор ҳақидаги бу хайрли ишлар бугунги кунда ниҳоятда оздир...

... Агар умр вафо қилганида Ботир Зокиров ҳозирда 60 ёшдан ошган бўларди. Унга мамлакатимиз пойтахти Тошкентда ўзи истаганидек концерт бериш ҳамда Халқлар дўстлиги ва «Туркистон» саройларида қўшиқ куйлаш насиб этмади. Лекин, жаҳонга машҳур бўлган Париждаги «Олимпия» саҳнасида ўз концерт дастури билан икки бор қўшиқ айтиш бахтига мушарраф бўлди.

Агарда фалакнинг гардиши билан Парижга бориб қолсангиз, албатта «Олимпия» концерт саройига кириб ўтинг. Чунки, Ботир Зокиров айнан мана шу «Олимпия» саҳнасида ўзбекнинг ҳам ўз эстрадаси борлигини жаҳонга танитди.

Маҳмудбек ШОМАНСУРОВ.

Бу аёлни кўндан буён биламан. Бирон марта ёйилиб кулганини кўрмаганман. Ҳазин жилмайишидан кузнинг рутубати уфуриб тургандек. Фақатгина ўғлини кўрганда унинг кўзларида шодлик ифодаси ярқ этиб кўринади-ю яна эрта ажин қоплаган юзларида ҳорғинлик акс этади.

Ҳаёт сабоқлари

ЕГАНИН ОШ ДЕМАНГ ЁЛҒИЗ АЁЛНИНГ

Мен ҳар куни унинг дўконидан газета сотиб олардим. Гоҳо кечикиб қолсам, аёл мен ўқийдиган газеталарни олиб қўярди. Мен аёлнинг юрагида қандай дард борлигини билишни, унинг ғамларига шерик бўлишни истардим. Аёлнинг ҳорғин кўзларида ажиб бир гўзаллик зоҳир эди. У билан бир суҳбатлашган киши яна бир гаплашсам дерди. Аёлнинг гўзаллиги унинг қалбида эди. Бу чирой унинг ғамли кўзларида пинҳон бўлиб, бир-икки суҳбатлашган кишигина уни пайқай оларди.

Мен Манзура билан ана шу тариқа танишдим. Гоҳо ишдан бўшаган пайтларим унинг мўъжазгина дўконида суҳбатлашиб ўтирардик.

Бир куни суҳбат мавзуи оилага келиб тўхтади. Ундан ёлғизлигининг сабабини сўрашга журъат этдим. У иккиланибгина сўз бошлади.

— Бир пайтлар дунёдаги энг бахтли аёл мен эдим. Ўзим ёқтирган йигитга турмушга чиқдим. Институтнинг учинчи курс талабаси эдим. Олти ойча яхши яшадик. Кейин ўқишга қатнашим қайнонамга малол келиб қолди. Кўп тортишиб ўтирмай ўқишни ташладим. Менинг бу қадар осон енгилишимнинг боиси турмуш ўртоғимни авайлаганимдан эди. Унга тинчлик, парвариш керак, деб ўйлардим. Ҳар куни эрталаб қатиқ келтириб, ичишга мажбур қилардим. Бир жойда Чернобиль ҳалокатида иштирок этганлар ҳақида мақола ўқигандим. Касаллик қонга ўтса унинг олдини олиш қийин кечар экан. Назаримда кўринмас бир дард Рустамнинг ичига кириб олгану уни адои тамом қиладигандек эди. Ўзи Чернобилда бўлган кунлари ҳақида оғиз очмасди. Бу сирни қайнотам иккаламизгина билар эдик. Кўнглимдан кечган ўйларни қайнонамга билдирмасдим. Рустам оиланинг тўнғичи эди.

Қайнонани қийин она сўзидан олинган деб эшитганимда кулган эдим. Менинг пешонамга қийиндан ҳам оғирроқ она битган эди. Қанчалик кўнглини топишга уринмай, шунчалик инжиқ бўлиб борарди. Бунинг боиси бошқа эди. Ўзларининг қариндошларидан келин қилмоқчи бўлганларида Рустам рози бўлмаган экан. Қайнонам шунинг аламини мендан олаётган эди.

— Чидаб тур. Уришсалар ҳам сен оғзингни очма, — деб тайинларди Рустам. — Укам уйланса, биз алоҳида бўлиб яшаймиз.

Қарғишларига, бақиришларига жавоб қайтармасам, вой мановининг без бўлиб бақрайиб туришини, деб бунга ҳам гап топар эдилар.

Охири кет, деб очиқ-ошкора айтиб, турткилашга тушди. Уйга қайтишдан бошқа иложим қолмади. Бу орада фарзандли бўлдик. Исмини Рустамнинг ўзи қўйди. Элига ёр бўлиб юрсин, дея Элёр қўйди. Боламиз атак-чечак қилиб юриб қолди. Мен ҳамон онамникида яшардим. Рустам ҳам қийналиб кетди. Кўзлари ичига тортиб, кўз олдимда тутдек тўкилиб борарди. Лекин ўртамиздаги тўсиқни олиб ташлаш на менинг, на Рустамнинг қўлидан келарди. Онам турмуш ўртоғинг сени деса бирорта уйни ижарага олиб яшаб турингларингиз, деб маслаҳат бердилар.

Бу фикрни Рустамга айтсам:

— Энди кеч, — деди.

Нега бундай деганини кейин тушундим. Рустам ўзининг умри тугаб қолганини сезган экан.

Охирги марта уни касалхонада кўрдим. Ғамли кўзларини мендан узмай:

— Ўғлимизни эҳтиёт қилгин, — дея қайта-қайта такрорлади.

Кейинги гал борганимда олдидан жилдирмади. Тонг ёришаётган маҳали жони узилди. Рустам ўзи билан менинг қувончларимни, умидимни, келажагимни олиб кетгандек эди. Қайнотам қўярда қўймай уйга олиб кетди. Қайнонам елкамга бошини қўйиб уввос тортиб йиғлади. Рустамнинг узоқ яшамаслигини кўнглим сезганди. Лекин уни асраб-авайласам, унинг кўнглига қарасам умрига бир кунгина умр қўшсам армон қилмас эдим. Қайнонамга ичимдаги бутун аламларимни тўкиб солгим келди. Лекин раҳм қилдим. Энди бариси бефойда. Барибир Рустам тирилиб келмасди, Рустам йўқ эди. Ҳеч бир она ўзининг фарзандига ёмонлик тиламайди. Лекин гоҳо ўзи билмаган ҳолда унинг умрига завол бўлади.

Рустам билан кечган умримиз тушдагидек ўтиб кетди. Ягона овунчоғим, ягона қувончим ўғлим. Элёр бўлмаса ёлғизлик мени адои тамом қиларди. Бир қўшиқ бор. Эшитганмисиз? Ёлғиз аёл ҳақида:

Еганин ош деманг ёлғиз аёлнинг
Шайтон товоғига қўлин солади.
Кўша жон қийналиб, тортолмай қолган
Аравани ёлғиз тортиб боради.

Жуда топиб айтилган гап. Буни бошига тушган билади. Менинг армоним Рустамга кўнглимдагидек қарай олмаганимда, уни асраб-авайлай олмаганимда. Умри тугаб қолганини билгани учун мен билан яшашга рози бўлмаган экан. Агар шундай бўлса, қайнонам боламни ўлдирдинг, деб мени тинч қўймасди. Рустам шуни ўйлаб мен билан алоҳида турмаган. Қанчалар меҳрибон, оқил эди у. Умрининг сўнгги кунларини яшаётганда ҳам менинг эртанги кунимни ўйлаган. Унинг бир дунё орзулари бор эди. Ҳаммасини ўзи билан олиб кетди. Қани эди, бу гапларимни баъзи қайноналар эшитса. Ўғли умид билан бир ёстиққа бош қўйган келинчакни ҳам ўз фарзандлари ўрнида кўриш, ўғлининг ҳаёти учун керак эканлигини англаб етса.

Ниятим, умримнинг мазмуни бўлмиш ўғлимни адаси орзу қилгандек, элига ёр қилиб, элининг кунига ярайдиган ўғил қилиб тарбиялаш. Ҳаётимнинг мазмуни, яшашимнинг боиси ҳам шунда...

Раҳмон АЛИ.

Ҳар нарса ёшлигидан улғаяди; ниҳол ўсиб, дарахт бўлади. Жилғалар дарёга айланади. Бугунги ёш истеъдодлар эса эртага машҳур санъаткор бўлиб етишсалар ажаб эмас. Сиз суратда кўриб турган созандалар эртага ўз маҳоратлари билан тингловчиларни ром этишига шубҳа йўқ.

Равиль Альбеков олган сурат.

Турфа олам

ПАРФЕНОННИНГ РЕЗИНА БИНОСИ

Шотландиялик ҳаваскорлар резина автоғилдиракларнинг ишдан чиққанларини турли мақсадларда ишлатиб кўрганлар. Ўзига хос йўл қопламалари, овозни ютувчи деворлар, болалар ўйин майдонлари, бордюрлар ва бошқалар шулар жумласидандир. Ана шу ташландиқ ғилдираклардан анча-мунчасини йиғиб олган маҳаллий ҳайкалтарош Дайвид Мач уларни меъморчилик композицион материали сифатида ишлатиб кўрди. Мана шундай улкан композициялардан бирини муаллиф Эдинбург шаҳрида яратди. Мазкур композиция бутун дунё туристларига маълум бўлган Афинадаги Парфенноннинг резинадан қилинган биноси нусхасидир. Биз Греция пойтахтида кўрган машҳур Парфенноннинг резина нусхаси фоторасми ҳам унга жуда ўхшаш бўлиб кўринди. Резина ғилдираклардан ясалган бинонинг баландлиги 7,6 метр бўлиб, уни ҳайкалтарош талабалар ёрдамида бир ҳафтада қуриб битказган. Бино қурилишига ўн мингдан ортиқ ғилдирак ишлатилган.

ТУВАКДАГИ АТИРГУЛЛАР

Дунёда французлардек гулларни севувчилар бўлмаса керак дейишади. Шунинг учун мамлакатда катта майдонлар гулларнинг юзлаб хиллари томонидан эгалланади, улардан мойлар, эссенциялар ва бошқа маҳсулотлар ажратиб олинади. Гуллар одамларнинг бир-бирларига энг яхши совғалари ҳам ҳисобланади. Буни ҳисобга олган маҳаллий гулчилар атиргулларнинг турли хилларини тувакда ўстириш бўйича ишларни амалга оширишга муваффақ бўлдилар. Яратилган атиргулларнинг ҳар тупида бир нечтадан ғунчалари бўлиб, улар жуда чиройли очилади, узоқ вақт яхши сақланиб ёқимли ҳид таратиб туради. «Инновация» номи билан аталган бундай гулларнинг баландлиги ўн сантиметр атрофида бўлиб уч ҳафта давомида очилиб туради. Эндиликда французлар бир-бирларига гул доналарингингина эмас, балки очилиб турган ажойиб гул тупларини ҳам совға қилиш имкониятига эга бўлишди.

Қудрат АҲМЕРОВ, муҳандис.

Шу йилнинг 9 январь куни кундуз соат иккиларда Юнусобод туманига қарашли Бодомзор даҳасида жойлашган уйларнинг бирида ўғирлик содир бўлди.

Ҳодиса

ТУМШУҒИДАН ИЛИНГАН ЎҒРИЛАР

Босқинчилар эшик қўнғироғини босиб хонадонда ёлғиз бўлган ўсмирни алдаб, чалғитиб уй ичкарисига кириб олишган. Кейин унга пичоқ ўқталиб қўрқитиш йўли билан хонадаги қимматбаҳо буюмларни йиғиштиришган. Қўлга киритилган талайгина буюмларни олиб чиқиб кетиш мушкуллиги, бунинг устига бу ҳол одамларда шубҳа уйғотишини ўйлаб улар шу ернинг ўзидан телефон орқали таксига тезлик билан етиб келиш учун буюртма беришган. Ўлжага олинган 28 турдаги буюмлар орасида «Панасоник» видеомагнитофони, янги компьютер, палос, гилам, «ДЭУ» чанг ютгич машинаси, шунингдек, уй-рўзғор ва кийим-кечаклар бор.

Кўча ҳаракатини ойнадан кузатиб турган ўғрилар уй олдига буюртма такси келиб тўхташи билан чандиб боғланган ўсмирни қатъий огоҳлантиришди:

— Овозингни чиқарсанг ўласан.

Қўрқиб кетган бола уларнинг таклифига рози бўлсада лекин безорилар ўзларини ўйлаб ўсмирнинг бир неча жойига пичоқ билан тан жароҳати етказиб беҳуш ҳолда ташлаб кетишди.

Улар юкларни таксига жойлаштириб олишгач турли важлар билан ҳайдовчини Сариоғочга олиб бориб қўйишга кўндиришди...

Кечки соат 16 лар чамаси 12-сонли Навоий божхона масканига давлат белгиси 06-37ГНД «Доган» русумли такси машинаси яқинлашди. Масканда ўз хизмат вазифасини ўтаётган катта нозирлар Аҳрол Туйчиев, Олимжон Эргашев, нозирлар Ёндош Исмоилов, Зоҳид Турсунов ва ДАН хизматчиси Йўлчи Олимжоновлар ҳар галгидек ўтган-кетган машиналарни синчков ва сергаклик билан кузатишарди. Тажрибали нозирлар кўзига шубҳали кўринган бу машина шундоққина чегара белгисида тўхтатилди. Ҳайдовчи ёнидан ва орқа томонидан ўрин олган икки киши безовталаниб қолишди.

— Кечирасизлар, хизматчилик, — деди улар яқинига келган Йўлчи Олимжонов, — илтимос, ҳужжатларингизни кўрсатинглар.

— Тинчликми, ёки бирор сабаб борми?

Савол аломати билан жавоб берди ҳайдовчининг ёнида ўтирган уйғур миллатига мансуб киши оқариб бўзариб.

Унинг бу ҳолати нозирларнинг диққатини оширди. «Бўйнида иллати борнинг тиззаси қалтирайди».

— Машина юкхонасини очинг-чи?

Нозир Ёндош Исмоиловнинг талабини ҳайдовчи сўзсиз бажарди. Юкхонадаги айқаш-уйқаш уйиб ташланган буюмларни кўрган хизматчилар билинар-билинмас бирбирларига маъноли қараб олишди.

— Бу буюмлар кимники?

— Тошкент Отчопаридан харид қилганмиз...

— Қаерга олиб кетяпсизлар?

— Сариоғочга...

— Кечирасизлар, биз билан ички ишлар бўлимига боришингизга тўғри келади.

Машинадагилар бу сўзни эшитиб ўзларини ҳар қўйга солиб кўришди. Лекин уларнинг найранги ўтмади.

Йўлда рация орқали Тошкент ва Юнусобод туманларининг ички ишлари бошқармалари билан боғланилди. У ердагилар икки жиноятчи қидирилаётгани, улар томонидан бундан 1 соат илгари Бодомзор даҳасидаги уйлардан бирида ўғирлик содир этилганлигини айтишди.

«Балки ўғрилар шулардир». Нозирлар хаёлида яшин тезлигида пайдо бўлган шубҳани такси машинаси ҳайдовчисининг дастлабки кўрсатмаси янада ойдинлаштирди. Ички ишлар бўлимида ўтказилган дастлабки савол-жаваблар натижаси қидирувда бўлганлар чиндан ҳам мана шу икки шахс эканлигини тўла исботлаб берди. Ҳар қанча ўжарлиги ва қайсарликлар энди беҳуда эканлигига ишонч ҳосил қилган талончиларнинг ўзлари ҳам қилмишларига иқрор бўлишди.

Жабрланувчи дарҳол касалхонага ётқизилди. Ҳозир бу жиноий иш юзасидан тергов олиб борилмоқда.

— Ўз хизмат вазифасини ўташдаги сергаклиги ва қидирувда бўлган жиноятчиларни қўлга туширишдаги фаол иштироки учун юқорида номлари зикр этилган нозирларимиз Республика Бош божхона бошқармасининг ташаккурномасига сазовор бўлдилар, — деди бизга маскан бошлиги Собит Алимбоев.

Маҳмуд ОРИПОВ.

Ҳар йили республикамизда 20 мингга яқин ёнғин содир бўлмоқда. У катта миқдордаги давлат ва халқ мулкини кулга айлантириб, улкан зарар етказмоқда. Ёнғинга бефарқ қараш, масъулиятсизлик ва қаровсизлик орқали минглаб кишиларнинг ҳаёт чироғи сўнмоқда.

«01» хизмати огоҳлантиради

ҲАЛОВАТИНГИЗ ЙЎҚОЛМАСИН

Хавфсизлик қонун-қоидаларига риоя қилмаслик ва давлат ёнғинга қарши назорат ходимларининг талабларини ўз вақтида бажармаслик оқибатида ўтган йилнинг 11 ойи ичида шаҳримизда 2 ярим мингдан зиёд ёнғин содир бўлди. Давлатга, шахсий мулкка 30,5 миллион сўмдан ортиқ зарар келтирилди. Ёнғинлар натижасида 38 киши ҳалок бўлди. Улар орасида 8 нафар норасида, ёш болалар борлиги жуда ачинарли ҳолдир.

Ёнғинларнинг кўпчилиги фуқароларнинг турар жойларида содир бўлди. Бу ерларда ёнғин чиқишининг асосий сабаби хавфсизлик қоидаларига тўла риоя қилмаслик ёки уни кўр-кўрона бузишдан келиб чиқмоқда. Телевизор, радиоприёмниклардан, айниқса, рангли телевизорлардан нотўғри фойдаланиш оқибатида кўплаб ёнғинлар содир бўлмоқда.

Чунончи, 4 ноябрда Акмал Икромов тумани, Чилонзор-21-даҳаси, 8-уй, 64-хонадонда ёнғин юз берди. Ёнғин телевизор симларининг қисқа туташуви оқибатида содир бўлди.

Ҳаётда ёш болалар кўпинча каттаҳларга тақлид қилишни яхши кўришади. Улардан бир қизиқарли воқеа эшитиб қолишса, ўзларича шунга амал қилишмоқчи бўлишади. Афсуски болаларнинг шўхликлари кўпинча мудҳиш воқеалар билан тугайди.

27 октябрь куни Сирғали тумани, Йўлдош-9 даҳаси, 25-уй, 12-хонадонда чиққан ёнғин туфайли 1 яшар Вика ва 4 ёшли эгизаклар Денис ва Дмитрийлар ҳалок бўлишди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, кўпинча эътиборсизлик натижасида ёнғин содир бўлмоқда.

Йўлдан ўтиб бораётган ўт ўчириш машиналарини кўриб ёнғин содир бўлган уйдаги одамларга юрагинг ачишади, лекин бир кунмас бир кун ўтга эътиборсиз бўлсак, ўзимиз ҳам шу аҳволга тушиб қолишимиз мумкин-ку.

Кўпинча ёнғин қишда уйларни иситиш пайтида, мўриларнинг чала ишлашидан содир бўлади. Шайхонтоҳур тумани Мусахонов кўчаси, 35-уйда мўриларнинг ишдан чиққанлиги натижасида ёнғин содир бўлди.

Ҳар қандай ёнғин бу улкан йўқотишдир. Кунлар совуғач, одамлар уйларини иситиш учун ҳар қандай асбоб-ускуналардан фойдаланишади. Уларни ишлатишда мавжуд қоидаларга амал қилинг. Бу сизга фақат фойда келтиради, кўнглингиз тинч бўлиб, ҳаловатингизни йўқотмайсиз.

Тўлаган АБДУЛЛАЕВ, Тошкент шаҳар Давлат ёнғиндан сақлаш назоратининг ходими.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати иқтисодий ислоҳотларни ҳаётга татбиқ қилиш борасида — Хусусийлаштириш Инвестиция Фондлари (ХИФ) орқали хусусийлаштириш дастурини қабул қилди.

Аҳолига янада қулайликлар яратиш мақсадида Халқ банки — ХИФлар акцияларининг бош тарқатувчиси деб тан олинди.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари қаерда яшашлари ва қаерда прописка қилинганликларидан қатъий назар бугунги кунда расмий жиҳатдан рўйхатдан ўтказилган Хусусийлаштириш Инвестиция Фондлари — «Фойкон», «Капитал-Инвест», «Туркистон-Инвест», «Ҳимоя», «Семурғ», «Камалак», «Локо-Инвест», «Леверижж-Инвест» фондларининг акцияларини сотиб олишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси ўз маблағини фондларнинг акцияларига сафарбар қилиб ҳам ўзига, ҳам мамлакат иқтисодиётига фойда келтиради.

ХИФ акцияларини сотиб олинг.

Маълумотлар учун телефонлар: 45-66-43, 45-35-40.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ БАНКИ БОШҚАРМАСИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ВА РАДИОЛАШТИРИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Алоқа хизматлари кўрсатиш ва якуний қурилмалар, яъни факс, радиоузайтиргичлар, автоматик номер аниқлагичлар сотиш билан боғлиқ фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахслари, хорижий юридик шахс ва фуқаролар

ЭЪТИБОРИГА ҚУЙИДАГИЛАРНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

Умумдавлат телефон тармоғига уланган барча алоқа воситалари Ўздавлатстандартнинг тегишли сертификатларига эга бўлишлари, радиочастоталар (радиоузайтиргичлар ва радиотелефонлар)дан фойдаланувчи тизимлар эса Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг электромагнит тўлқинларининг ўриндошлик марказида рўйхатдан ўтказилган бўлишлари лозим.

Умумий фойдаланиш тармоғига уланишга рухсат телефон алоқаси тармоқлари томонидан берилади.

Якуний қурилмалар, алоқа тизимлари ва телефон станциялари умумдавлат тармоғига ўзбошимчалик билан мустақил равишда уланган ҳолларда телефон алоқаси тармоқлари абонент рақамини ҳеч қандай огоҳлантиришсиз узиб қўйиш ҳуқуқига эга.

Телефон алоқаси тармоқлари манзиллари:

Миробод (50, 51, 52, 53, 54, 55, 56, 57, 58, 59-АТСлар) — Нукус кўчаси, 87-уй. Телефон: 55-04-25.

Мирзо Улуғбек (60, 61, 62, 63, 64, 65, 66, 67, 68, 69-АТСлар) — Ҳожибоев кўчаси, 45-уй. Телефон: 62-04-25.

Собир Раҳимов (29, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49-АТСлар) — Ўрозбоев кўчаси, 21-уй. Телефон: 29-04-25.

Ҳамза (21, 22, 23, 24, 25, 32, 33, 34, 35, 36, 37-АТСлар) — Асомов кўчаси, 2-уй. Телефон: 35-04-25.

Чилонзор (16, 70, 72, 73, 74, 75, 76, 77, 78, 79-АТСлар) — Чилонзор даҳаси, 3-мавзе, 46-уй. Телефон: 77-04-25.

Янгиобод (90, 91, 92, 93, 94, 95, 96, 97, 98, 99-АТСлар) — Кадишев кўчаси, 17-уй. Телефон: 97-04-25.

Маълумотлар учун телефон: 54-36-73.

ИШГА МАРҲАМАТ!

ЎЗБЕК-БРИТАНИЯ «РАСТР» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛАРНИ ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

- *1. Офсет босма босувчилар.*
- *2. Офсет босма босувчиларнинг ёрдамчилари.*
- *3. Матбаа машиналарининг созловчилари.*
- *4. Компьютерда саҳифалайдиган, ретуш қиладиган, сканерлик фаолиятига эга бўлган мутахассислар.*
- *5. Қирқадиган машиналарнинг қирқувчилари.*
- *6. Фальцовка машиналарининг машинистлари.*
- *7. Қолиплаш жараёни монтажчилари.*
- *8. Қолипларни нусхалайдиган қолипловчилар.*
- *9. Офсет босма технологлари.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАСИ «ЧЕВАР» ТАДБИРКОР ҲУНАР МАКТАБИ

1996-1997 ўқув йилида қуйидаги ихтисослар бўйича қўшимча ўқувчилар қабул қилади.

Ихтисослар: аёллар енгил кўйлаги тикувчиси.

Ўқиш муддати — 6 ой.

Тошкент шаҳрида яшовчи 11-синфни тугатган қизлар қабул қилинади.

Ўқиш даврида стипендия тўланади.

Ўқишга киришни хоҳлаганлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак:

1. *Директор номига ариза.*
2. *Ўрта маълумот тўғрисида гувоҳнома.*
3. *Турар жойидан маълумотнома.*
4. *4 дона сурат 3х4 ҳажмда.*
5. *Соғлиғи ҳақида маълумотнома.*

Ўқиш 1997 йил 1 февралдан бошланади. Ҳужжатлар шанба, якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Кренкель кўчаси, 18-уй. («ЮЛДУЗ» ҳиссадорлик жамияти биносининг орқасида).

Автобуслар: 9, 24, 26, 72, 60, 51, 88.

Трамвай: 2, 3, 16, 25, 28.

«Акмал Икром савдо» ҳиссадорлик жамияти жамоаси ушбу жамият ходими Зокир Шокирович Эргашевга отаси **Шокиржон ЭРГАШЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент оқшоми — Toshkent oqshomi

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар — 33-29-70; эълонлар: 33-28-95, 33-08-74, 36-57-65. факс: (3712) 33-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 64690

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Г-08. ❖ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 «Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. ❖ Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. Босишга топширилди: 12.00. ❖ 8.456 нусхада босилди. 1 2 3 4 5 6.